



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
11-mart
chorshanba
№ 10 (1488)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

ИСЛОХОТ

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВ 10 март куни қишлоқ ва сув хўжалиги учун муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Кўп соҳаларда илм реал ҳаётдан узоклашиб кетгани, қишлоқ ва сув хўжалигида ҳам айрим йирик лойиҳаларни амалга оширишда илмий асослаш ва экспертизага етарлича эътибор қаратилмаётгани, олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани қайд этилди. Натижада баъзи лойиҳалар қутилган самарани бермаётгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида 11 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда, 7 та факультет, 37 та кафедра ва 38 та таълим йўналиши фаолият юритмоқда. Битирувчиларнинг бандлик даражаси 93 фоизни ташкил этади. Университетда хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг сони ҳам изчил ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, муҳандис кадр-

ларни тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида дуал таълим тизимини кенг жорий этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Таклиф этилган янги тизимга кўра, талабалар 4 кун назарий билим олади, 2 кун ишлаб чиқариш корхоналарида ҳақ тўланадиган амалиёт ўтади. Жумладан, сув хўжалиги йўналишида сувни тежаш ва суғоришни самарали ташкил этиш, гидротехника ҳамда гидроэнергетика соҳасида каналларни бетонлаш, смета тузиш ва кичик гидроэлектр станциялар қурилишида иштирок этиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналишида техникаларни тайёрлаш ва ҳосилни йиғиштириш ишларида қатнашиш имконияти яратилади.

Мамлакатимиз сув ресурсларининг катта қисми трансгегаравий манбаларга боғлиқлиги кўрсатиб

ўтилди. Шу боис, сув ресурслари соҳасида дипломат кадрларни тайёрлаш муҳим стратегик вазифалардан бири экани таъкидланди.

Университетда ташкил этилган “Халқаро сув дипломатияси” магистратура дастурини кенгайтириш ва давлат гранти асосидаги қабул ўринларини кўпайтириш таклифи маъқулланди. Бу дастур орқали қўшни давлатлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Тақдимотда университетнинг илмий-инновацион салоҳиятини кучайтиришга қаратилган янги ташаббуслар ҳам маълум қилинди. Хусусан, дронлардан фойдаланиб, экин майдонларини мониторинг қилиш, ҳосилдорликни прогноزلатириш, зараркундаларга қарши курашиш каби хизматларни, космик мониторинг маълумотлари асосида илмий тавсиялар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шу мақсадда университетда дронларни бошқаришга ўқитиш курслари жорий этилади, космик тадқиқотлар ва сунъий йўлдошлар лабораторияси, комплекс илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилади.

Бундан ташқари, университетда рақамли бошқарув ва КРП тизимларини жорий этиш, таълимнинг узлуксиз “мактаб – техникум – университет – ишлаб чиқариш” занжири асосида кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш бўйича режалар ҳам маълум қилинди.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш ҳамда илғор технологияларни кенг жорий этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Ў.А.

“HURRIYAT” ТАНИШТИРАДИ

ШУҲРАТ ОРИПОВ Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи этиб тайинланди



Орипов Шухратжон Орип ўғли (Шухрат Ориф) Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи этиб иш бошлади. Бу қарор Журналистлар уюшмаси Бошқаруви жорий йил 6 март куни бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинди.

Шухрат Орипов меҳнат фаолиятини 1999 йилда журналист сифатида бошлаган. У бир қанча матбуот нашрларида, Ўзбекистон телевидениесида фаолият юритган.

Кейинчалик давлат ва жамоат ташкилотларида (Республика Маънавият ва маърифат марказида), шунингдек, сиёсий партия (ЎзЛиДеП) тизимида ахборот сиёсати ва матбуот хизмати йўналишларида ишлаган. Тайинловга қадар “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Ахборот хизмати раҳбари сифатида фаолият юритиб келаётган эди. Маълумот учун, Шухрат Орипов — 1981 йили Фарғона вилоятининг Учқўприк туманида туғилган.

Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган.

Жамоатчилик билан алоқалар ва халқаро муносабатлар бўйича магистр даражасига эга.

Унинг публицистик мақолалари республика нашрларида доимий чоп этиб келинади. Ижодий асарлари турк, рус, озарбайжон, қозок, қирғиз тилларида нашр этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан “Шухрат” медали ҳамда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

БИЛИМИ, ТАШАББУСКОР ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ёшларнинг етук авлод вакиллари бўлишлари учун барча имкониятлар яратилган.

6-6.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ҳар қандай кучли воситалар сингари у ҳам хавфлардан холи эмас!

— Самадов?
— Лабабай, устоз...
— Қани, туриб жавоб бер-чи, Ньютоннинг биринчи қонуни нима ҳақида?
Эриниброқ ўрнидан турган курсдошим устозга қараб:
— Ҳаа... бу... объектга ташқи куч таъсир қилмаса, у ўз ҳолида қолади, — деди бироз ноаниқ ва ишончсиз оҳангда.
— Баракалла, ўтир. Сизларга туринглар, жавоб беринглар деб савол бермаса, жойларингдан жилгиларинг ҳам келмайди-я. Ўзи талабалар Чат-жи-пи-тига ўхшайди, савол бермагунингча жавоб бермайди, берсанг, билса-билмаса, гапни олиб қочиб гапираверади...
— Ҳаа... Устозлардан бу гапни тез-тез эшитавериб, ҳаде-

ганда “зет авлодгилгимизни” таъкидлаётган танишларнинг гап-сўзларидан қулғимизнинг ҳам дийдаси қотди. Хошлаймизми-йўқми, вақт ўтган сайин тушунялмизки, бугун танобини тортмасак, эртага бизнинг таноимизни тортиб қўядиган билимлар бор.
Ҳозирги кунда “ChatGPT” ёки бошқа сунъий интеллект тизимлари билан ишлаш — янги авлоднинг кундалик тажрибасига айланган. Улар билим манбаи ва ёрдамчи сифатида, ҳатто ижодкор шерик сифатида ҳаётимизга кириб келди. Устознинг: “Ўзи талабалар Чат-жи-пи-тига ўхшайди, савол бермагунингча жавоб бермайди...” дегани нагапираверади...
— Ҳаа... Устозлардан бу гапни тез-тез эшитавериб, ҳаде-

2-6.

ЭЪТИРОФ

САНЪАТИМИЗ АФСОНАСИ

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, биринчи ўзбек балеринаси Бернора ҚОРИЕВА “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланди

Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, Ўзбекистон халқ артисти, маданиятимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган машҳур балерина, рақс санъати маликаси Бернора Қориева яратган ҳар бир образ бадиий баркамоллиги, бетакрорлиги билан томошабинни ҳайратга солади. Уларда Шарқ аёлининг нозик ва таъсирчан қалби, ўзбек рақс санъатининг теран фалсафаси, ёрқин бўёқлари, миллий колорити, нафосати жилваланади. Бернора Қориева — ўзбек балет санъатининг улкан ижод мактабига айланганди. Зеро, ўзбек балет санъати хориж балетларидан инсон руҳиятининг, ички кечинмаларининг, замон ва макон билан боғлиқ орзуларининг латиф қирралари кенг кўламада тасвирланиши, анъана ва замонавийликнинг гўзал уйғунлашуви билан ажралиб туради.

Буюк қалб эгаларининг ҳаёт йўллари, уларнинг илм-фан сарчашмаларидан, улар яратган санъат асарларидан баҳраманд бўлиш, уларнинг инсонийлик фазилатларидан ибрат олиш кўнглига бир олам завқ, руҳиятга қувват бахш этади, эзгулик ва яхшиликларга чорлайди. Ўзбекистон ва Қирғизистон халқ артисти Бернора Қориеванинг ишонч ва садоқатга тўла 90 йиллик умр йўли, ўсиб келаёт-

ган ёш авлод учун иқбол бўстони, ҳаёт мактабидир.
У 1936 йил 28 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳим Қориев оиласида туғилган. Бўлажақ балерина 16 ёшида Тошкент Олий хореография билим юртини муваффақият билан тамомлайди. Шундан сўнгра Алишер Навоий номидаги Ўзбек опера ва балет катта академик театрида фаолиятини бошлади.
1957 йил Москва шаҳрида ўтказилган балет танловида Бернора Қориева олтин медалга сазовор бўлади. Ана шу муваффақиятдан кейин у Франция, Италия, Англия, Ямайка, Сурия, Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина каби мамлакатларда машҳур балет усталари билан бир саҳнада чиқиш қилади. “Оқуш кўли”, “Боғчасарой фаввораси”, “Анна Каренина” каби дунёга машҳур балетларда бош қаҳармонларни юксак маҳорат билан ижро этади.
Унинг энг ёдда қоқарли ролларидан бири — Мехри қиёфасидир. Алишер Навоийнинг “Сабаъи сайёр” достони асосида Лола Оқилова саҳналаштирган “Сухайл ва Мехри” балети ўзбек санъати тарихида ўчмас из қолдирган асарлардан бири бўлса, бу ютуқда Бернора Қориеванинг ҳиссаси беқиёс.

7-6.

ХИДОЯТ

САХОВАТПЕШАЛИК ЭНГ УЛУҒ ФАЗИЛАТ, АММО...



“Кўрмаганинг кўргани курсин!”

Ривоят қилишларича, қадимда давлатмандликни орзу қилган бир деҳқон озгина еридан унган ҳосилни ҳам кўни-кўшни, ёру биродарлари билан баҳам кўраркан. Бунинг устига, ён-атрофидаги кишиларнинг ҳам ерини ҳайдаб, уруғ сепиш, парвариш қилиш, ҳосил йиғиб олишига қўлидан келганича қарашаркан.

Унинг бу ҳаракати қишлоқ аҳлида ажабланиш уйғотибди:

— Бу кетишда қачон бойийсиз? Ўзингизни ўйласангиз бўлмайдими, бошқалар билан нима ишингиз бор?

— Ҳа, энди, Худо “ол, қўлим” деса, бир куни молу давлат ўз оёғи билан келади. Ҳамама нарсанинг вақти-соати бор, — деб жавоб берган деҳқон яна ўз меҳр-мурувватини дариг тутмай, ҳаммага баравар топганидан улашаверибди. Айтганидай, Аллоҳнинг марҳамати билан деҳқоннинг ҳосилига ҳосил қўшилиб, бойиб кетибди. Ҳаш-паш дегунча қишлоқнинг бойваччалари қаторига қўшилиб, ҳеч кимни менсимай қўйибди. Беш қўлини баравар оёғига тиккан бойнинг аввалги саховатпешалигидан асар ҳам қолмабди. Аксинча, у бева-бечораларга шафқат қилмайдиган, уларнинг ерини, ҳосилни тортиб оладиган одат чиқарибди. Қисқаси, аввалги хокисор, камсуқум деҳқон баднафс ва очкўз кимсага айланибди. “Кўрмаганинг кўргани курсин” деган нақл, балки, шундай воқеаларга ишоратдир.

Кўп ўтмай, унинг бутун бойлиги кунпаяқун бўлиб кўкка совирилибди. Томорқаси ҳосил унмайдиган қатқалоқ жойга айланибди. Бой хайрон эмиш: “Нега аввал ошимин олчи эди, энди эса шўрим қуриди?” У ўйлаб-ўйлаб, қишлоқда яшовчи бир донишманд кишининг хузурига йўл олибди. Аввалдан унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб юрган оқил киши бойнинг нима мақсадда келганини дарҳол англабди ва салмоқли оҳангда сўз бошлабди:

— Яқин ўтмишининг бир эсла, сен аввал жуда қўли очик, сахий эдинг, ҳамма сени мақтарди. Ўзинг кийналсанг ҳам, узгаларни ўйлаганинг учун Аллоҳ сени сийлади, ўз марҳаматини кўрсатди. Бойдинг, аммо босар-туса-

рингни билмай қолдинг, ақлнинг йўқотдинг. Давлатманд бўлишинг билан камбағалларга шафқат қилмай қўйдинг, уларнинг ҳатто бўйрадек ерига ҳам кўз олайтирддинг. Қисқаси, сен Яратган эгамнинг қаҳрига учрадинг. Энди кимдан нажот истайсан? Бошинга тушган парокандаликни йўқотмоқчи бўлсанг, аввалги ҳолингга қайт, қўлинг ва бағринг очик бўлсин!

Бой ўзидан ўтган катта хатолик сабабини англабди-ю, ортига равона бўлибди. Теъода ўзининг аввалги қиёфасига, яшаш тарзига қайтибди.

Бундан англашиладики, хайр-саховатни ўз ўрни ва маконига қараб қилган кишининг бирига ўн қайтади.

Дарвоқе, саховатпешалик халқимиз ҳаётида энг қадрланадиган хислат. Айниқса, Рамазон шарифига унинг қадр-қиммати, мазмун-моҳияти бошқа пайтга қараганда кўпроқ буй кўрсатади. Бунинг зидди — зиқналик, хасислик сифати ҳам нафақат бизда, балки бутун дунёда илдири отганки, у фақат қораланади. Қайси давр бўлишидан қатъи назар, ҳар иккиси одамзод ҳаётида турлича кўриниш билан намоён бўлиб туради. “Берувчи қўл Аллоҳга хуш келади”, “Ун қўлинг берганини чап қўлинг билмасин!”, “Миннатли ош татимас” каби нақллар замирида хайр-саховатли бўлишининг афзал эканлигига ишора бор.

Маърифий шаклдаги олийҳимматлик

Юнусобод туманидаги 63-умумтаълим мактабида халқимизнинг севимли шоираси Зулфат таваллуди кунига тайёргарлик қизгин. Тадбирга “Ishonch” газетаси таҳририяти ходимлари келишди. Ҳа, бу галгиси бутунлай бошқача. “Менинг Навоий бобом” иншолар кўриқ-танловиде иштирок этган ўқувчилар ким голиб бўлишини интиқ кутишмоқда. Ким ҳам иншоиси эътироф этилишини хоҳламайди, дейсиз? “Мулла билганини ўқийди” деганларидек, 100 ўқувчининг ёзгани хилма-хил. Бировники силлиқ ва равон, яна бири буюк мутафаккирнинг қайсидир асарига баҳо берган, кимдир Навоий нега бунчалар даҳо эканлигини таърифлаган.

— Мактабимизнинг ҳамкорлари жуда кўп, — дея ҳикоя қилади таълим маскани раҳбари

Роҳила Ваҳобова. — “Ishonch” газетаси таҳририяти билан жорий ўқув йили бошидан ҳамкорлик ўрнатдик. Бунга мувофиқ, ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топган 9 февраль санаси арафасида иншо ёзиш бўйича кўрик-танлов ўтказдик. Ўқувчилар Навоий ҳақида жўшиб ёзди, изланди, асарларини ўқиди, хуллас, буюк сиймо ҳақидаги тасаввурлари анча бойиди. Таҳририят томонидан голибларга пул мукофоти ажратилди. Маърифий шаклдаги олийҳимматликда икки мақсад бор: оммавий китобхонликни ривожлантириш орқали ёшларни рағбатлантириш. Таҳририят ходимларининг голибларга совғани топшириш маросими чинакам байрамга айланиб кетди. Биринчи ўрин соҳибасига икки, иккинчи ўринга бир ярим, учинчи ўринга эса бир миллиондан пул мукофоти нақд ҳолда топширилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг нуфузли наشري раҳбарияти, ижодий ходимлари худди шундай ҳамкорликни бошқа таълим муассасалари билан ҳам ўрнатса, хайр-саховат кўрсатиш орқали китобхонликни ривожлантиришга, ёшлар маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшган бўларди. Қани эди, бошқа нуфузли нашрлар ҳам “Ishonch”дан ибрат олса...

Ошқора эмас, пинҳонаси яхши

Имконияти чекланганлар учун турли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан байрам, ҳайит муносабати билан совға-салом улашиш — бизда азалий қадрият, яхши одат. Ногиронлиги бўлган шахс ўзига кўрсатилган эътибордан мамнун бўлади, албатта. Унга, аслида, давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам эътиборга молик. Биз шундай даврга етиб келдикки, инсон онги, тафаккури, орномуси ва хамияти анча чуқурлашди. Бу ҳар бир кишининг ўз хатти-ҳаракати тўғри ёки нотўғри эканлигини ўйлаб кўришга ундайди. Баъзида қўш қўяман деб, кўз чиқариб қўйиш ҳам мумкин. Бу турли ижтимоий тармоқлар фаоллашган замонда рўй бераётганига мисоллар жуда кўп. Айниқса, хайр-саховат кўрсатиш бобида ошқора эмас, пинҳона йўл тутиш афзал бўлиб қолди... Нега дейсизми?

— Ўғлим биринчи гуруҳ ногирони. Таянч ҳаракати церебрал фалажлиги ташхиси билан,

мана, 16 ёшга етди. Аммо унинг нутқи бор, — деди Яшнобод туманида истиқомат қилувчи З. исмли аёл. — Янги йил арафасида “Наврўз” маҳалласи вакиллари уйимизга совға-салом билан кириб келишди. Ўғлим хурсанд, меҳмонлар у билан суратга тушишди. Шунда болам: “Тагин бу расми интернетга қўйиб юборманг!” деб оғохлантиришига қарамай, ўғлимнинг аравачадаги сурати қайсидир ижтимоий тармоққа қўйилибди. Ақли бутун, зийрак ва зукко болам телефон орқали ўз суратини кўрди-ю, менга гапир кетди: “Ойи, қани уларнинг ваъдасига вафоси? Қўймаймиз, шунчаки эсдаликка, дейишганди-ю! Нима, менинг ногиронлигимни ҳаммага ошқора қилиш шартми? Кераги йўқ бунақа хайр-саховатнинг! Менинг ҳам ор-номусим, гурурим бор, ногиронлик пешонамга ёзилган бўлса, нима қилай? Яхшиликни овоза қилиш миннат эмасми?” Унга таскин берган бўлдим: “Майли, сен хафа бўлма, ахир улар ҳам ўз ишларини расмийлаштириб қўйиши керак. Давлат идораси маҳалла ҳам, болам!” Аммо ўйлаб қарасам, боламнинг гапида жон бор. Ҳар қандай яхшилик Аллоҳнинг розилиги учун қилинади, уни овоза қилиш, бошқаларга кўз-кўз қилиш риёга кирмайдами?

Ҳа, халқимизда “Миннатли ош татимас” деган ҳикмат бор. Она таъкидлаганидек, имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, етим-есирга кўрсатиладиган меҳр-мурувват ошқора эмас, пинҳона бўлгани яхшироқдир. Тўғри, маҳалла — давлат сиёсатини амалга оширадиган нуфузли тузилма, унинг фаоллари гарданига айнан шунча вазифа юклатилади. Лекин эҳтижманд қатлам вакиллари уйига бориб, уларнинг хоҳиш-иродасига зид иш қилиш қанчалик тўғри?

Зақот — молиявий ибодат, хайр-саховатнинг олий шакли

Зақот — дини испомдаги фарз амал бўлиб, молиявий ибодатдир. Унинг “ўсиш”, “салохият” деган маъноси бор. Истилоҳда эса зақот — бой киши мол-мулкнинг маълум бир қисмини камбағал кишига мулк қилиб беришидир. Зақотни ошқор ҳам, махфий тарзда ҳам бериш мумкин. Демак, бунинг замирида хайр-саховатнинг нафақат ошқора, балки яширин

шакли ҳам бор. Зақот беришда нисоб ва бир йил ўтиши ҳисобга олинади. Нисобнинг сўмдаги қиймати тилла нархи ўсиши ёки камайишига қараб ўзгаради.

— Зақотнинг фарзчилиги Қуръони карим, ҳадислар, умматнинг ижмоси (иттифоқи) дололат қилади, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази бош мутахассиси Ҳикматуллоҳ домла Тоштеммиров. — Аллоҳ таоло шундай дейди: “**Намозни қоим қилинг ва зақотни беринг**” (“Бақара” сураси, 43-оят). Қуръони каримда айнан шу жумла буйруқ кўринишида тақор-тақор келиши бежиз эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ислом беш аркон устига қурилганини зикр қилиб, бунинг ичида зақотни ҳам санаганлар (Имом Бухорий ривояти). Зақот бермайдиган бандаларни Аллоҳ таоло қаттиқ азоб билан оғохлантиради: “**Олтин ва кумушларни кон (махфий ҳазина) қилиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламлик азоб ҳақида “хушхабар” беринг!**” (“Таваба” сураси, 34-оят).

Зақот берувчи бандалар фарз амалга содиқ бўлганлари учун унинг мол-мулкни Аллоҳ муҳофаза қилади, камайишдан, хавф-хатардан, турли бало-қазоралардан асрайди.

Сахийлик ва бахиллик. Қайси бири афзал, қайси бирини танлайсиз? Албатта, сахийлик устун туради. Нафақат биз яшаб турган тузум, муҳит, макон, балки маънавий-маърифий меросимизда ҳам бу фазилатга гўзал таъриф берилади. Мисол: 2005 йилда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр қилingan “Ўзбек халқ мақоллари” тўплами мундарижасига кўз югуртирсак, “Сахий билан бахил бир булоқдан сув ичмас”, “Сахий хор бўлмас, бахил беҳишга кирмас”, “Сахийнинг ишига бахилнинг тиши қамашар”, “Сахий топса, ўртада, бахил топса, халтада”, “Қўлингдан бермасанг, йўлингдан бер, йўлингдан бермасанг, сўзингдан бер” сингари асрлар синовидан ўтган халқ мақоллари кўп учрайди...

Бу ҳикматлар бежизга айтилмаган, албатта.

Хулқар ТҮЙМАНОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ҳар қандай кучли воситалар сингари у ҳам хавфлардан холи эмас!



1-6. Сунъий интеллект ҳам шундай: унга аниқ савол берилмаса, фойдали ва асосли жавоб олиш қийин. Шу боис бугун бизга керак бўладиган биринчи нарса — билимини бойитиш ва уни излашга тайёр бўлишдир. Сунъий интеллектнинг ижобий томонларини жуда кўп. Масалан: у катта ҳажмдаги маълумотларни сонияларда таҳлил қилиши, мураккаб ҳисобикитобларни тезлик билан бажариши ва инсоннинг ижодий ишларини янада бойитиши мумкин. Сунъий идрок ёрдамида тиббиётда касалликларни эрта аниқлаш, илм-фан тадқиқотларини тезлаштириш, ҳатто тил ва маданиятларни бирлаштириш имконияти мавжуд. “Google Scholar”, “Gemini”, “Kling AI” ёки “ChatGPT” каби воситалар ёрдамида талабалар ўз билимини кенгайтириши, ижодкорлар янги ғояларни шакллантириши мумкин.

лар саломатлик ёки диний масалаларда сунъий интеллектга ҳаддан зиёд ишониб, нотўғри маслаҳатлар олиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, сўнгги йилларда “ChatGPT” ва бошқа сунъий интеллект тизимлари томонидан берилган нотўғри тиббий ёки руҳий тавсиялар натижа-сида, фойдаланувчилар саломатлигини хавф остига қўйган ҳолатлар кайд этилган. Баъзилари эса диний масалаларда маълумот сўраб, ўз қарорларини сунъий интеллект тавсияларига таянган ҳолда қабул қилган. Бу ҳолатлар олимлар ва мутахассисларни оғохлантиради: сунъий интеллект ёрдамида бўлиши мумкин, аммо инсоннинг танқидий тафаккури, билим ва маслаҳатларни ҳақиқий манбалардан текшириш қобилияти ҳар доим биринчи ўринда туриши лозим.

Келажақда сунъий интеллектнинг қандай ривожланиши кўп жиҳатдан бизнинг унга муносабатимизга боғлиқ бўлади. Олимлар фикрича, сунъий интеллект инсоният билан ҳамкорлик қилувчи, ахлоқий ва ҳуқуқий чегараларга риоя қиладиган тизимга айланади. Илон Маск ва Стивэн Хокинг каби мутахассислар сунъий интеллектнинг салоҳият хавфини таъкидлаган бўлсалар-да, тўғри бошқарилса, у инсоният тарихидаги энг катта ўтуқлардан бирига айлиши мумкинлигини билдирганлар. Машҳур ёзувчи Айзек Азимов сунъий интеллектни нафақат илмий-фантастик ғоя сифатида, балки инсониятнинг ахлоқий ва масъулиятли муносабатини синовдан ўтказувчи восита сифатида кўрган. Унинг машҳур “Учта робот қонуни” — роботлар инсонларга зарар етказмаслиги, инсон буйруқларига бўйсунуши ва ўзини ҳимоя қилиши лозим деган қоидалар — ҳозирги кунда сунъий интеллект хавфсизлиги ва ахлоқ меъёрлари ҳақида олиб борилаётган илмий бахсларга бевосита тааллуқли. Унга кўра, робот ҳеч қачон инсонга жараҳат етказмаслиги, ҳатто ҳаракатсиз қўлиш орқали ҳам инсоннинг зарар қўришига йўл қўймаслиги лозим. Робот инсон томонидан берилган буйруқларга бўйсунуши шарт, аммо бу буйруқлар инсонга жараҳат етказишига сабаб бўлса, бажарилмайди. Шунингдек, робот ўз мавжудлигини ҳимоя қилишга мажбур, бироқ бу ҳимоя инсонга жараҳат етказмаслиги ва инсон томонидан берилган буйруқларга бўйсунушига қарши келмаслиги керак. Ҳозирги вақтда сунъий интеллектнинг ривожланиши айнан Азимовнинг оғохлантиришларини тасдиқлаётгандек, технология инсон билан ҳамкорлик қилса, илм-фан ва таълимда инқилобий ўзгаришларни амалга ошириши мумкин, аммо нотўғри ишлатилса ёки инсон томонидан масъулиятсиз бошқарилса, хавф ва нотўғри қарорлар келтириб чиқариши мумкин. Келажақда СИ ривожланиши Азимов келтирган принципларга

амал қилса, у инсоният учун ҳақиқий шерик ва ёрдамчи бўлади, илм-фан ва таълимни бойитиш, мураккаб ишларни осонлаштириш ва инсон тафаккурини янги даражага кўтарари. Шу тариқа, фантастик ҳикоялар бугунги кундаги технология билан учрашиб, сунъий интеллектнинг ижобий келажаги фақат инсоннинг масъулиятли ёндашуви билан боғлиқ эканини кўрсатади. Айзек Азимовнинг “Ўқитувчи одам бўлган экан” ҳикояси сунъий интеллект келажаги ҳақида башорат дейиш мумкин. Ҳикояда роботлар ва СИ билан тўла муҳитда улғайган болалар тасвирланади, лекин улар ҳақиқий билим ва ахлоқий қадриятларни инсон ўқитувчилар орқали олади. Шу билан бирга, ҳикоя технология қанчалик ривожланган бўлмасин, инсоннинг таълимдаги роли ва масъулияти ажралмаслигини кўрсатади. Ҳикоя СИ тизимлари келажақда қандай ривожланса ҳам унинг фойдаси ва хавфсизлиги фақат инсон тафаккури ва билими ёндашувга боғлиқ эканини кўрсатади.

Шунингдек, бугунги кунда кўпчилик сунъий интеллект имкониятларидан беҳабар бўлиб, СИ орқали яратилган видео, расм ва бошқа контентларни ҳақиқий ва сунъий маҳсулотдан ажрата олмаяпти. Бу оддий ҳолатдек туюлиши мумкин, лекин келажақда сунъий интеллектдан хабардор бўлмаслик жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин: ёлгон ва манипуляция маълумотлар кўрсатишга қўлиш, шахсий ҳаётга таъвоулар, иш ва карьера масалаларида қийинчиликларга дуч келиш хавфи ортади. Шу сабабли, бугун СИ билан ишлашни билиш, танқидий тафаккур ва технологиядан хабардор бўлиш келажақда муваффақият ва хавфсизликнинг калити бўлади.

Сунъий интеллект бугунги дунёда нафақат технология ютуқ, балки инсоният ҳаётини шакллантирувчи кучга айланяпти. У билим олиш, ижодий ишларни бойитиш, мураккаб жараёнларни тезлаштириш имконини беради, лекин унинг хавфсизлиги ва фойдаси фақат инсон тафаккури, ахлоқий масъулияти ва танқидий ёндашувига боғлиқ. Шу боис билимини фаоллаштириш, технологиядан хабардор бўлиш ва СИ билан масъулиятли ишлаш нафақат шахсий муваффақият, балки жамиятнинг барқарор ривожини учун ҳам зарур.

Фарангиз АБРУЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
талабаси.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

Покистоннинг нуфузли “24 News HD” телеканалдаги “Noor-e-Ramzan” телешоусининг навбатдаги сони Ўзбекистонга бағишланди



Покистоннинг оммабоп “24 News HD” телеканалда Рамазон ойи муносабати билан намоийш этиладиган машҳур “Noor-e-Ramzan” телешоусининг навбатдаги сони Ўзбекистонга бағишланди, деб хабар бермоқда “Дунё” АА мухбири.

Мазкур теледастур Покистонда Рамазон ойи давомида ҳар куни ифтор вақтида тўғридан-тўғри эфирда намоийш этилади. Ўзбекистонга бағишланган махсус сонда Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Равайн Алимов ўз оиласи билан, шунингдек, Ўзбекистон Туризм бренди элчиси Чаудри Хамид Махмуд иштирок этди.

Дастур давомида Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги туризм, меҳмонхона бизнеси ҳамда маданий мерос соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасидаги тарихий ва маънавий алоқалар илдизлари Буюк ипак йўли даврига бориб тақалиши таъкидланди.

Телешоу давомида Ўзбекистонда Рамазон ойини нишонлаш анъаналари, жамоавий ифторликлар, хайрия тадбирлари ва маънавий қадриятлар ҳақида сўзлаб берилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг зиярат туризми имкониятлари ҳамда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларининг бой тарихий мероси ҳақидаги муҳим маълумотлар томошабинлар эътиборига тақдим этилди.

Таъкидланганидек, мазкур муқаддас масканлар ва тарихий шаҳарлар ҳар

йили дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб зияратчилар ва сайёҳларни жалб этиб, Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси ва зиярат туризми салоҳиятини намоён этмоқда.

Дастурда “Тошкент — Исломобод” ва “Тошкент — Лаҳор” шаҳарлари ўртасида ҳафтасига икки марта амалга оширилаётган тўғридан-тўғри авиақатновлар Ўзбекистон ва Покистон халқларини янада яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётгани ургунди. Қайд этилганидек, 2025 йил давомида ушбу авиақатновлардан 30 мингдан зиёд йўловчи фойдаланган. Шунингдек, ўтган йили 18 мингдан ортиқ покистонлик сайёҳ Ўзбекистонга борган.

Теледастур давомида мамлакатимизнинг тарихий ва маданий зияратгоҳларига бағишланган махсус видеороликлар ҳам намоийш этилди.

Кўрсатув доирасида Ўзбекистон дипломатлари оиласи ўзбек миллий таълими — Тошкент тўй паловини тайёрлади. Шунингдек, ўзбек сомасини тайёрлаш бўйича мастер-класс ўтказилди. Миллий ширинликлар — нишодна, сумалак, Қўқон ҳолваси ва чак-чак тайёрлаш анъаналари ҳақида маълумот берилди. Дастур якунида тайёрланган палов ифторлик дастурхонига тортилди.

Маълумот учун айтиш керакки, “24 News HD” телеканалнинг “YouTube” каналда 9,5 миллион, “Facebook” ва “Instagram” ижтимоий тармоқларида эса 1 миллиондан ортиқ обуначилари бор.

“Дунё” АА.

ТААССУРОТ

ЮРТ ҚАДРИГА ЕТМОҚ УЧУН

ёхуд Орол бўйига сафар



“Ё дарё бўйида туғил, ё темир йўл бўйида”. Бу иборани қачон эшитганим эсимда йўқ. Аммо ёши улуглар шундай дейишар эди. Ўйлаб кўрсам, бу гап бежиз айтилмаган. Одамлар азалдан доимо сув бор жойга интилгани, дарёлар, сойлар қирғоғида қўним топишгани сир эмас. Темир йўллар, умуман, йўллар инсонлар идроки ва қудрати билан яратилган дарёлар каби маданият ташиғиди, олис манзилларга янгилик элтади, узқони яқин қилади, одамларни бир-бири билан боғлайди...

римни ўз кўзим билан кўргани бу ерларга келишни анчадан буён ўйлар эдим. Орол бўйига поездда борсангиз, деярли бир кунлик йўл. Шимолдаги охириги темир йўл бекати Қўнғиротда жойлашган. Бу узундан-узун йўл Президентимиз ташаббуси билан яна ҳам узайтирилмоқда. Айни кунларда Қўнғирот ва унга чегарадош давлатларни боғлайдиган оламшумул темир йўл қурилиши ишлари давом этмоқда. Темир йўл вагонининг купесига жойлашиб олган, хушмуомала борт кузатувчилари йўловчиларни аввалга исик чой ва ширинлик билан сийлашди.

Яхши сафар — ижодкорга қанот, янги илҳом манбаи. Беш соатлик Қўнғирот вагонларида бир маромда боради, деб бўлмади. Баъзи йўллардаги бурилмаларда вагон худди ағдарилиб кетаётгандай туюлади. Назаримда, чўлни ҳам Худо сийлагандай. Чексиз қум барханлари аро ўсган туронгил, жингил, саксовул, қорайроқ, бўён, қамиш, янтоқ ва бошқа ўсимликларга нигоҳ тушади. Йўл-йўлакай симёғочлар худди қўлни силкиб сиз билан хайрлашаётгандай...

Дарё ўз қирғоқларини гуркураган майсалар, ўт-ўланларга буркагани каби, темир йўл бўйларига ҳам тараққиёт камол топиб боради. Ҳар кўринган фаровонлик белгисиде тош билан темирдан иборат темир йўлнинг, умуман, йўлларнинг ўрни жуда катта. Сафар қилишнинг ҳам завқи ўзгача. Зеро, йўллар юрт тараққиётининг кўзгусидир. Қолаверса, Ватанинг англаш ўзликни англаш демак. Ватандан узокда бўлган пайтларимда, кўнғиротдан ўтган энг катта шукроналик бу: яхшиям Ўзбекистонда туғилганим, деган улғу туйғуни англаб етганим бўлса керак.

Хусусан, коллекцияда Орол бўйи худудларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан намуналарни, Орол денгизининг илгариги ҳаёти тасвирланган турли фотосуратларни кўриб, энтиқиб кетасан киши. Рассомларнинг истеъдодли кўллари билан Орол денгизининг таназзулини акс эттирувчи таъсирли суратлари орақларни янада оғирлатади. Хусусан, “Денгиз кетди”, “Қумдаги кемалар” деб номланган картиналарда рассомлар кўриб бораётган Орол денгизини айнан шундай композицияларда кўрганлар ва ўша кўринишни ўзлари чиқган картиналарга кўчиришга муваффақ бўлганлар.

Бу ердаги баликчилик заводларида ўндан ортиқ хилдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўша даврда нақадар ривожланганлиги саёхатчининг кўз ўнгиде гавдаланади. Чиғаноқлар кўрғазмасига қараган одам ҳимоя қобиғи бўлмиш паллаларнинг шаклидан ажабланади. Бейхитёр қизиқиш билан музей ходимига савол ила юзландим: у юраксимон чиғаноқни таърифлаб берди. Кейин зебрасимон чиғаноқлар ҳақида маълумотни қўшимча қилди. Ҳозирда Орол денгизидеги кучли шўрланиш бундай майда жонзотларга қиргин келтирган. Аммо Орол атрофидаги аҳоли денгизнинг қайта тўлишига умид қилиб яшамокда. Оролнинг қайтишига ишонимокда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсиясига кўра Орол бўйи билан яқиндан танишиш, янги мавзулар устида изланиш баҳонасида ижодий сафарга отландик. Орол ҳақидаги бир неча ҳужжатли фильмлар, спектаклларни кўриб, у ҳақдаги маълумотларни ўқиб, назарий тушунчаларимни бойитдим. Бу диёрга янги кўз билан қараш учун ушбу сафар муҳим эди. Маълумки, Оролнинг ўндан тўққиз қисми кўриб, бир қисми қолган, холос. Бир пайтлар қирғоғи улкан тўлқинларни ўзига зўрға бўйсундирган улкан уммон ўрнида бугун одамзоднинг табиғатга бўлган ёвуз муносабати туфайли янги шўрхок Оролқум чўли пайдо бўлган. Бу ачинарли манзарани кўришнинг ўзи нақадар оғир эканини шу ерга келиб янада тийранроқ ҳис қилдим.

Охириги поезд бекати — Қўнғирот шаҳри. Соф туркий сўзлар кўп учрайдиган бу манзилни шамоллар шаҳри деб номласа бўлади. Негаки, бу ерда тинимсиз изгирин, шамол эсиб тураркан. Хуллас, дастлаб Қўнғиротдаги сода ишлаб чиқариш заводига бўлдик. Элобод шаҳарчасидаги ушбу корхона ўттиз йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган асосий саноат маҳсулоти — кальциниланган сода енгил саноат, целлюлоза ва қоғоз саноатида ишлатилдиган асосий кимёвий маҳсулот, шунингдек, ишика, силикагел, ювчи воситалари, иссиқлик электр станцияларини сув билан тозалаш, қозончалар ва бошқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ноёб хомашё.

Денгизнинг чекиниши ва шўрланиши маълум турдаги ҳайвонлар қирлиши билан бирга бошқа шўрға чидамли ҳайвонлар кўпайишига сабаб бўлган. Қисқичбақасимонлар оиласига кирувчи артемия ана шундай жонзотлар тоифасидан. Бу жонзот маҳаллий аҳоли тилида “кўрт” деб номланади. Уни овлашни чеклаш борасида қарорлар қабул қилинганидан кўпчилигининг

Кемалар қабристони... Ахир бундан атиги 60-70 йил аввал ҳам бу кемалар улкан денгиз бағрида сузган, Орол денгизидан минглаб тонна баликлар овланган эмасмиди? Соёқ иттифокнинг калтабин сибёсти туфайли бутун бошли денгиз кўриб битди. Оролни миллиардлаб тонна туз барханлари эгаллади. Бир ҳовуч денгиз кўлмақларидеги шўрланган сува янги жонзотлар кўпайгани ва бошқа эшитганлар

Хуллас, дастлаб Қўнғиротдаги сода ишлаб чиқариш заводига бўлдик. Элобод шаҳарчасидаги ушбу корхона ўттиз йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган асосий саноат маҳсулоти — кальциниланган сода енгил саноат, целлюлоза ва қоғоз саноатида ишлатилдиган асосий кимёвий маҳсулот, шунингдек, ишика, силикагел, ювчи воситалари, иссиқлик электр станцияларини сув билан тозалаш, қозончалар ва бошқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ноёб хомашё.

Хуллас, дастлаб Қўнғиротдаги сода ишлаб чиқариш заводига бўлдик. Элобод шаҳарчасидаги ушбу корхона ўттиз йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган асосий саноат маҳсулоти — кальциниланган сода енгил саноат, целлюлоза ва қоғоз саноатида ишлатилдиган асосий кимёвий маҳсулот, шунингдек, ишика, силикагел, ювчи воситалари, иссиқлик электр станцияларини сув билан тозалаш, қозончалар ва бошқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ноёб хомашё.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Сўнгги йилларда жамиятда фарибгарлик жиноятлари кўпайиб бораётгани ташвишли ҳолатдир. Деярли ҳар куни оммавий ахборот воситаларида одамларни алдаш, уларнинг ишончидан фойдаланиб пул ундириш каби жиноятлар ҳақида хабарлар берилади. Телевидение ва радио орқали “Эҳтиёт бўлинглар, фарибгарларга алданманглар!” деган огоҳлантиришлар тез-тез эълон қилинади. Аммо, афсуски, содда ва ишонувчан одамлар ҳали-ҳамон бундай тузоқларга тушиб қолмоқда.

ОҚ ХАЛАТЛИ ФИРИБГАР

Фарибгарлар турли соҳаларда учрамоқда. Баъзан улар ўзларини тадбиркор, баъзан мутахассис, баъзан шифокор сифатида таништириб, одамларнинг дарди ва ишончидан фойдаланишга уринмоқда. Куйидаги воқеа эса айнан шундай ҳолатлардан бири бўлиб, оқ халат кийган инсоннинг фариб бўлига кириб кетиши қандай оқибатларга олиб келишига бир мисол.

вишланмасди. Чунки фарибгарлик унинг учун иккинчи “касб”га айланб улгурган эди. Алдов орқали кўлга киритилган мўмайгина пул уни яна шу эгри йўлга киришга ундайверарди. Бир куни у ижтимоий тармоқларни кўздан кечираркан, навбатдаги фарибгарлик “режа”си ярқ этиб хаёлига келди. Кўп ўйлаб ўтирмай, дарҳол интернетда саҳифа очди ва унда шундай эълон жойлаштирди: “Хиндистондан машҳур шифокорлар келиб, оғир касалликларни даволаш бўйича қабул ўтказида. Мурожаат қилиш учун эса куйидаги манзил орқали онлайн рўйхатдан ўтинг” деб айнан ўша саҳифани кўрсатди. Эълонга ўзининг телефон рақамини ҳам қўшиб қўйди. Кўп ўтмай, телефонига бирин-кетин кўнғироқлар кела бошлади. У ҳар бир мурожаат қилувчи билан хушмуомала оҳангда гаплашиб, уларни “рўйхат”га ола бошлади. — Алло, асалому алайкум! Сиз Али аками? — Ҳа, менман, — деб жавоб берарди у. Мурожаат қилганларга у гўеки мутахассислар қабули учун олдиндан пул тўлаб навбатга ёзилиш лозимлиги, касаллик турига қараб керакли дори-дармон учун олдиндан тўлов қилиш ҳам талаб этилишини эринмай тушунтирарди. Кумқўрғонлик Жалил Эгамов (исм-шарифи ўзгартирилган) ҳам ана шундай мурожаат қилувчилардан бири бўлди. У қизининг терисиде пайдо бўлган касаллик туфайли кўп шифокорларга мурожаат қилган, аммо кутилган натижани ололмаган эди.



— Али ака, қизимнинг терисиде дард бор, ўзимиздан шифо тополмадик, — деди у илтижо билан. — Ўша жойни расмага тушириб юборинг, — деди дўхтир. Жалил ака қизининг кўлидаги ярани сўратга олиб юборди. Шундан сўнг Али Худоёров ўзича “мутахассислар хулосаси”ни баён қилиб, қабул учун уч юз минг сўм, дори-дармон учун эса икки миллион сўм керак бўлишини билдирди. Пулни ўтказиш учун ўзининг пластик карта рақамини юборди. Шифога умид қилган одамлар унинг айтганларига ишониб, ана шу тарзда бирин-кетин пулларни ўткази бошладилар. Али Худоёров

эса келиб тушаётган маблағларни ўз эҳтиёжига ишлатиб, тараллабедоб қилиб юрарди. Мурожаат қилувчилар қачон хориждан шифокорлар келишини сўраса, у: “Яқин кунларда келади”, деб алдашда давом этарди. Кунлар ойларга уланди. Бир куни мижозлардан бири Жалил Эгамов яна кўнғироқ қилиб, шифокорлар қачон келишини сўраганида, Али Худоёров бепарво тарзда: — Дўхтирлар келмас экан, — деб жавоб берди. — У ҳолда пуллариمنى қайтаринг, — деган талабга эса у: — Пуллар кетди, энди йўқ, — деди яна совоққонлик билан.

Шундан сўнг Жалил Эгамов алданганини тушуниб етди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Кўп ўтмай, Али Худоёровнинг уйига формадаги ходимлар келиб, уни кўлга олдилар. У ички ишлар бўлимига олиб келиниб, тергов ҳаракатлари бошланди. Жабрланувчилар уни аввалдан танимаган бўлса-да, телефон рақами ва пластик карта орқали жиноят илзари аниқланди. Сўроқлар чоғида Али Худоёров қилмишларини яшириб ўтирмади. Илгари ҳам шу каби жиноятлар учун судлангани сабабли у бундай сўроқ-саволларга кўниқиб кетган эди. Шўрчи туман судида кўрилган иш жараёнида у айбига тўлиқ иқроорлик билдирди ва қилган фарибгарликларини бирма-бир баён қилди. Суд унинг аввал ҳам шу турдаги жиноятлар содир этгани боис, уни ҳаффи рецидивист деб топди ҳамда қилмишига яраша жазо тайинлади. Бу воқеа барчага яна бир бор сабоқ бўлиши керак: инсон қанчалик хурматли касб эгаси бўлмасин, агар у қинғир йўлни танласа, оқибатда қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Зеро, оқ халат инсонни эмас, инсон оқ халатни улуглайди.

Тўлқин АБДИРАНМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Шўрчи туман суди раиси,
Чори ҚОРАКУЛОВ,
суд маслаҳатчиси.

МУШОҲАДА

Оила — инсоният тарихининг энг қадимий ва энг барқарор ижтимоий институти бўлиб, у жамиятнинг ахлоқий, маънавий ва маданий таянчини ташкил этади. Шу боис оила инсон ҳаётининг маънавий ва ахлоқий марказида турувчи муқаддас қадриятлар тизимининг негизидир. Бугунги глобаллашув, оммавий маданият ва индивидуализм кучайган даврда оиланинг маънавий пойдевори, миллий қадриятлари ва ахлоқий тамойиллари турли синовларга дуч келмоқда. Жамиятда истеъмолчилик кайфияти, шахсий манфаатни устувор қўйиш, виртуал алоқаларнинг кучайиши натижасида оилавий ришталарнинг сустлашуви — замонавий ижтимоий муаммолардан бирига айланмоқда. Шу шароитда диний ва миллий қадриятлар оиланинг ички уйғунлигини, ахлоқий масъулиятини ва руҳий барқарорлигини таъминловчи пойдевор сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

ДИН ВА ОИЛА: АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда оилани мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни тиклаш ва маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси” ҳамда 2025 йил 14 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ушбу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур мавзунинг долзарблиги, аввало, замонавий ижтимоий ўзгаришлар шароитида оила институтининг барқарорлигини таъминлаш, уни маънавий-инсоний қадриятлар асосида мустаҳкамлаш зарурати билан белгиланади.



жараён дир. Бу жараён орқали инсон ўз мавжудлигини чексиз маъно билан уйғунлаштириши ва ҳаётнинг илоҳий моҳиятини идрок этади. Оилавий ҳаётда диний қадриятлар инсоннинг ахлоқий онгини ва ижтимоий масъулиятини шакллантирувчи асосий омиллардан биридир. Улар меҳр, сабр, кечирим, виждон, ҳалоллик ва садоқат каби эзгулик категорияларининг амалий кўриниши сифатида намоён бўлади. Шундай қадриятлар оиланинг ички уйғунлиги, ўзаро ишонч ва тинчлик муҳитини таъминлайди. Исломи дини нуқтаи назаридан, оила “никоҳ” орқали нафақат ижтимоий, балки муқаддас бирлик даражасига кўтарилади. Никоҳ — бу икки инсоннинг руҳий уйғунлиги, иродавий садоқати ва маънавий масъулиятини мужассамлаштирувчи илоҳий аҳд сифатида таъин қилинади. Қуръони каримда бу жараён “таскин ва меҳр манбаи” сифатида таърифланиб, оиланинг руҳий барқарорлик ва тинчлик маскани эканлиги “Ар-Рум” сурасининг 21-оятда келтирилади. Бу қарашни жажондаги ва минтақамиздаги кўплаб тадқиқотчилар ҳам тасдиқлайди.

Бугунги кунда ахборот оқимининг чексизлиги, оммавий маданиятнинг таъсири, маънавий қадриятлардаги нисбийлик оилавий муносабатларга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Шу боис диний ва миллий қадриятларнинг оила ҳаётидаги ўрни ва функциясини таҳлил қилиш назарда тутилган аҳамиятга эгадир. Яна бир муҳим жиҳат — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида оилани жамиятнинг асосий таянчи сифатида мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш ва маънавий меросни асраб-авайлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилангандир. Бу эса оила фалсафаси ва қадриятлар муаммосини нафақат ижтимоий, балки фалсафий-назарий таҳлил нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этади. Шу маънода, оила мустаҳкамлигини таъминлашда диний ва миллий қадриятларнинг ўрни — миллий ўзлик, маънавий барқарорлик ва ижтимоий уйғунлиқни сақлаб қолишнинг энг муҳим гаровидир.

Дин инсоннинг борлиқдаги ўз ўрнини англаш, унинг руҳий олами билан олий ҳақиқат ўртасидаги ички боғлиқлиқни ифодаловчи маънавий

Азиза НОСИРОВА,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).

ИЖОД ДАФТАРИДАН

Мен ўқувчилигимда ҳам домланинг исмлари қандайдир муносабатлар билан оиламизда тез-тез тилга олинарди. Кейин билсам, домла урушдан қайтиб келгач, бизнинг қишлоқдаги мактабда муаллимлик қилган эканлар. Онам ҳам шу даврда муаллимлик қилган, қисқаси, ҳамкасб бўлишган экан.

Хуллас, вақтлар ўтиб, Фаргона давлат педагогика институни битириб, Тошовузда муаллимлик қилиб юрган пайтларим эди. Мактаб ўқувчилигимдаги шеърятга қизиқишим институтда деярли тўхтаб қолди. Чунки факультетимизда зўр ёзадиган ёш шоирлар кўп эди. Матлуба Аҳмедова, Абдулахад Урмонов, Аъзам Орипов, Абдували Қамбаралиев, Муҳтарам Улуғова, Отахон Темуров... Бу пайт майда-чуйда у-бу ёзиб юрардим-ку-я, аммо жиддий шугулланганим йўқ. Бор вужудим билан ўқишга берилган эдим. Айниқса, бизнинг гуруҳ кимўзарга ўқирдик. Бир йил Фарғонада ишлаб, юртга қайтган, яна шеър дардим уйғониб қолди. Ёза бошладим. Яна туман газетаси "Пахтакор"да туркум-туркум шеърларим чоп этиларди. Лекин марказий матбуотга юбориб кўрмадим. Аммо у ёқ-бу ёқдан совчилар чиқса, онамга: "Тошкентга кетаман", деб изиллардим. Тошкентга бориб нима қиламан, марказий матбуотда ("Ёш ленинчи" газетасида биттагина шеърим босилган эди, талабалигимизда қайсидир муҳбири келиб, ҳаваскор қаламкашларнинг машқларини олиб кетган, шуларнинг ичида чиқиб қолган эди) бирор нарсам чиқмаган бўлса... Нималардир қилгим, ҳаётимни ўзгартиригим келарди. "Бу ерда қолмайман", деган аҳдим тобора мустаҳкам тортиб борарди. Аммо қаерга, қандай бораман, бунисини билмасдим.

Ёз эди. Қишга мол-қўйларга ўт қамлаш учун дала кезардик. Ўт ўриб юрсам, орқамдан хабар келди: Фарғонадан меҳмонлар келганмиш. Уроқни отиб юбориб, учдим. Чунки Фарғонага қишда бориб келган бўлсам-да, жуда соғинган эдим. У пайтлари ҳали империя парчаланмаган, йўллар очик эди. Қайсидир ўртоғим бирор иш билан бу тарафларга ўтган бўлса, мени йўқлаб келдимикан, деб қўвониб кетдим. Борсам, фольклоршунос олим, ўз даврининг машҳур шахсларидан бири Тўра Мирзаев, академик (у пайтда ҳали академик эмас эди) Баҳодир Саримсоқов, шоир, тадқиқотчи Асқар Мусақуллов, фольклоршунос олима Зубайда Хусайнова, тадқиқотчи Абдулла Матқубовлар бизнинг уйга тутишган экан. Онам раҳматли гўжумнинг тагига сулага жой қилган. Ариққа тарвуз думалатилган. Келиноним қозоннинг бошида... Улар юк машинасида экспедицияда, фольклор материалларини йиғиш учун юрган эканлар. Ёз жуда иссиқ эди. Назаримда, салқинроқ бир жойда дам олдилари келган ё озиқ-овқатдан қийналишган. Чунки у пайтларда ҳозиргидай ҳар қадамда ош-овқат қиладиган жойлар йўқ эди. Пуллари бўлсаям, дурустроқ овқат қилнадиغان жой бўлмаганлиги учундир, балки, Баҳодир ақанинг эсларига мен тушганман.

Бизнинг факультетда ўқиган бир тошовузлик қиз бор эди, шеър ёзарди, назаримда, — деган. Шунда Абдулла ака раҳматли: — Агар ижодкор бўлса, унинг манзилни гезетадан сўрасак бўлади, — деган. "Пахтакор" тахририятига боришганда, улар дарров манзилини беришган. Шу таразда азиз меҳмонлар бизнинг уйимизга келиб қолишган. Аслида, уларнинг ташрифи мен учун Худойимнинг буюк бир марҳамати бўлган. Яратган эгам менинг тақдиримда кескин бир бурилиш бўлиши учун шу ташрифи раво кўрган экан. Гап шундаки, сўхбат устида мушоира бўлди. Асқар ака шеър ўқидилар. Менга ҳам "Ўқинг", дейиш-

гач, ўқидим. Шунда улар (раҳматли Тўра Мирзаев айтгандилар, назаримда):

— Сиз нега шеърларингизни олиб, Тошкентга, Зулфия опанинг олдига бормайсиз? — дейишган.

Мен Зулфияхонимдай машҳур бир шоиранинг ҳузурларига бундай шеърлар билан боришни тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эдим. Шунинг учун:

— Зулфияхоним мана шундай шеърлар ёзадиган шоирани ҳам қабул қилдиларми? — деб сўраганман.

— Албатта, уларнинг ҳузурларига мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларидан ёш ижодкорлар келарди. Албатта, бориңг, — дейишди.

Шу-шу менинг ичимга ўт тушди. Меҳмонларни кузатиб: "Тошкентга, Зулфия опанинг

даги қувончимни тасаввур қила оласизми? Қушга айланиб қолдим, назаримда. Раҳмат айтдимми, айтмадимми, буни ҳам билмайман. "Яхши" сўзи сўзларнинг султони бўлиб кўринди ўша пайт.

— Зулфия (домла худди шундай талаффуз қилдилар) "Саодат" журналида ишлайди, билсанг керак. Айдиҳан "Шарк юлдузи"да. Қўлёмаларингни уларга олиб бор. Топиб бора оласанми? — деб сўрадилар.

Шу лаҳзада Кўхи Қофни ҳам топиб борадиган кайфиятда эдим. Кетдим. Кейинги кунларда устоз Зулфияхонимнинг, сўнгра Ойдин оламларнинг ёнларига бордим. Улар билан бўлган суҳбатларни ўзлари ҳақидаги хотираларимда ёзаман. Мени ҳар иккала шоирамиз ҳам жуда яхши қарши олди. Ўша пайтда эмас-ку-я, кейинчалик домла, балки, уларга телефон қи-


— Агар прописка (ўша пайтлари бу жуда муҳим нарса эди, пропискисиз ишга қабул қилинмас эди) ва яшаш учун уй-жой масалаларини ҳал қила олсанг, мен лаборант қилиб ишга оламан. Фақат бозда илмий даражаси борларнинг ойлиги яхши, қолганларнинг маоши анча кам бўлади. Кун кўра олсанми? — деганлари эсимда.

— Менинг икки елкамдан бошқа оғирлигим йўқ. Ўзимни эпласам бўлди, — дедим. Пропискамни тоғам раҳматли ҳал қилиб бердилар. Янгийўлда Абдуллажон исмли савдо инсттутиди бирга ўқитган курсдошлари бор эди. Ушларнинг уйларига пропискага қўйиб бердилар. Сўнг ўзлари квартира топишига ёрдам бердилар. Тоғам раҳматли ниҳоятда басавлат инсон эдилар. Йиғма қаравотим (раскладуш-кам)ни кўтариб, Қорақамишда менга ижара

бўшабди. Хоҳласанг, сени тавсия қиламан. Ижодкорлар орасида бўласан, — дедилар. Заррача иккиланганим йўқ. Дарров рози бўлдим. Бу раҳматли Матқуб Қўшжонов домланинг менга қилган учинчи яхшиликлари эди (яхшлик бўлгандаям, ҳаётимда кескин бурилиш ясаган яхшилиқлар бўлди). Мен эртасигаёқ ўша пайтда Ўзбекистоннинг энг йирик нашриятлари Фанур Фулом номидида адабиёт ва санъат нашриятига ишга бордим. Бўлимнинг кичик муҳаррири Назми олам (бу ажойиб аёл билан кейинчалик опа-сингилдай яқин бўлиб кетдик) туғуруқ татылига чиқаётган экан. Вақтинчага уларнига одам керак экан.

— Бир ишга кириб олсанг, бўлди, кейин ўрнашиб кетасиз, — дедилар Омон ака. Ва мен ўша кунданок Фанур Фулом нашриятининг шеърят бўлимида иш бошладим.

УМР ЙЎЛЛАРИМНИНГ НУРЛИ НУҚТАЛАРИ ("Йўлчироқларим" туркумидан)



ҳузурларига бораман", деб туриб олганман. Меҳнат таътилида эдим. Шеърларимни қимгадир бериб, машинкада кўчиртирганман. Менимча, "Пахтакор"га бориб кўчиртирдим, шеклили. Кейин Тошкентга кетдим. Икки-уч куним бекор ўтди. Чунки мен машқларимни олдин Матқуб Қўшжонов домланинг назарларидан ўтказишни ниёт қилгандим. Агар домла бир ижобий гап айтсалар, кейин опанинг олдига бормоқчи эдим. Аммо мени домланинг ёнларига олиб боришга ҳеч кимнинг юраги бетламасди.

— У киши шеър кўрмайдилар, — дейишарди баъзилар.

Баъзилар яна бир нарсга деб баҳона топарди. Қарасам, вақт кетаяпти. Уйга қайтишим керак. Таътилим тугаяпти, мактабда ишлайман ахир. Сўраб-суриштириб, домланинг уй манзилни топдим. Бу орада яқинлашиб қолди. Тавakkal қилдим-да, домланинг уйларига бордим. Бахтимга, домла ҳовлида ўтирган эканлар. Салом бериб кириб борсам, мени қизларининг олдига келди, деб ўйладилар, шеклили:

— Гулнор ичкарида, — дедилар. — Домла, мен сизнинг олдингизга келдим, тошовузлиман, — дедим.

Домла юзимга диққат билан қарадилар-да: — Пошшанинг қизимсан? — дедилар. Мен онамга жуда ўхшайман.

— Ҳа, — дедим. Нима мақсадда келганимни айтдим. Домла индамай папкага солинган қўлёмаларни олиб ўқиб бошлади. Жимгина ерга қараб ўтирибман. Ҳар замонда юзларига қараб-қараб кўяман. Юз ифодасидан ҳеч нарсани билиб бўлмайди. Мен папкани домланинг қўлларига бераётим:

— Агар ёзганларим сизга маъқул бўлмаса, кетаман. Сизгаям, бошқага ҳам юк бўлиб юрмайман, — дедим. Домла ним табассум қилдилар. Жуда чиройли табассум қилардилар.

Ўттизтача шеър бор эди. Диққат билан ўқиб чиқдилар-да:

— Яхши, — дедилар. Менинг ўша пайт-

либ, мен ҳақимда бир оғиз яхши гап айтгандилар, деб ўйладим.

Шу бўйича домла билан уч йилча кўришмадим. Мен бир неча марта Тошкентга келиб кетган бўлсам-да, домланинг олдига бормадим. Беговта қилгим келмади. Энг ёмон кўрган нарсам бировга малол келадиган иш қилиш. Аммо мен домлани ҳарчанд беговта қилишни истамасам ҳам, шу нарсга тақдиримда бор экан. 1976 йилнинг қаҳратон қишида тавakkal қилиб Тошкентга келдим. Раҳматли тоғам (аслида у киши бизга қон-қариндош эмас. Курсдош дугонанинг دادаси. Мен институтни битирганимдан сўнг бир йил Акбарободда ишлаганман. Ўша тоғамларнинг уйларида турганман. Тоғам орзуларини билардилар. Шунинг учун ўзлари савдо институтиди сиртдан ўқитган пайтларда мени чакирган эдилар) ўша пайтда қишки сессияга келган эканлар. "Ўзбекистон" меҳмонхонасида турган эканлар. Аям, кенжа қизлари Холдадон ҳам улар билан бирга экан. Мен ҳам шу меҳмонхонада турдим. Тоғам савдо техникумидан иш топган эканлар. Зулфия олам (бу пайтгача улар билан анча яқинлашиб кетган эдик) билан маслаҳат қилсам, улар:

— Сен савдо одамларининг орасида ишлай олармикансан? Ижодий иш бўлса, бошқа гап эди, — дедилар ва мен тоғамлар билан бирга яна Акбарободга кетдим. Бу вақтда тоғамнинг қизи, ўртоғим Холисхоннинг турмуши бўлмай қайтиб келган, Акбарободдаги мен ишлаган мактабда директорлик қилаётган экан. Мактабларда сўнгги чорак ўқишлари бошланган, бундай пайтда ким ҳам мактабга ишга оларди? Лекин Холис хам амаллаб мени мактабга жойлади. Ишлаб юрибман. Онам: "Тошкентга бориб ўрнашмасанг, уйга қайт", деб хат ёзадилар. Тошкентга борсам, қандай, қаерга ишга киришимни билмайман. Ахйир, онам Кўшжонов домладан ёрдам сўраб хат ёзиб юборибдилар. Бу хатни онам почтадан юборганларми ё менга жўнатиб, мен домлага олиб бориб бердим, бу воқеалар мутлақо эсимда йўқ. Фақат домланинг олдига борганим:

уй ахтариб юрганлари кўз олдимга келса, ҳали-хануз тақдиримда шундай ажойиб инсонлар борлигидан қўвониб кетаман. Дунёда қандай яхши инсонлар бор-а... Тоғамга нима эди... Ўша пайтда бир ресторанинг директори эдилар... Хуллас, тоғам менинг пропискамни тўғрилаб, Қорақамишда бир бухороликларнинг уйига ижарага қўйиб, Фарғонага қайтиб кетдилар. Мен эса Александр Сергеевич Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг матншунослик бўлимида ишлаб бошладим. Бўлимимиз ўша пайтда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Мукаммал асарлар тўплами"ни нашрга тайёрлаётган эди. Мен иш бошлагандаёқ бўлимади:

— Тайёрлаётган китобимиз "Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг мукаммал тўплами" деб номланиши керак. Чунки бу китобларга кирган барча асарларни мукаммал деб бўлмайди-ку, — дея маҳмадоналик қилганман. Бўлимимиз раҳбари Содир Эржинов исм-шарифли фан доктори эдилар. Осим ака (уйғур), Шарофиддин ака, Назира, Дилбар, Фароғат опа исм-шарифли фан номзоди бўлган аёллар бор эди. Фароғат опа машҳур мичуринчи олим Ризамат отанинг қизлари эди. Бўлимимиз бошлиғи ниҳоятда маданиятли, зиёли инсон эдилар. Шарофиддин ака анча инжиқ, Осим ака қувноқ киши эди. Опалар, назаримда, бир-бирига жуда ўхшаб кетишарди. Бир йил ишлаган бўлсам, Ҳамзанинг асарларини тайёрлашда иштирок этдим. Домлани деярли кўрмадим. Фақат шу масканда ишлаганимга домла сабабчи эканлигини билардим. Мен йилга яқинлашиб қолганида домла билан юзма-юз бўлдим.

— Назаримда, сенинг илмий иш қилиш ниятинг йўқ, шеклили. Илмга интилишни ҳис қилганим йўқ, — дедилар домла. Балки, онам хатлариди "Илмий иш қилиш нияти ҳам бор", деб ёзгандилар...

— Йўқ, илм менга оғир қарвондай туюлган. Тўғрисики айтсам, беговтақоқман. Илм қилишга тоқатим етмас керак, — дедим.

— Омон (Матжон)нинг бўлимида бир ўрин

Шу бўйича домлани кўрмадим, ҳисоб. Қорақамишда бир татар кампининг уйида ижарада турганимда, баъзан эрталаб ишга кетаётганимда пиёда айлиниб юрганларини кўриб қолардим. Уларнинг ҳар кун эрталаб икки соат пиёда юрадиган одатлари бор экан. Турмушга чиққанимдан сўнг онам уйимизга келганлариди, рафиқалари билан бирга меҳмонга чақирганимиз. Бу, менимча, онамнинг ташаббуслари бўлган. "Саодат" журналида ишлаётганимда Ойдин опанинг топшириқлари билан "Қўша қариганлар" рубрикаси остида материал тайёрлаш учун уйларига борганман. Рафиқалари, ўзлари билан сўхбатлашиб, мақола ёзганми. Журналда чоп этилган. Ҳеч бўлмаса, ижод йўлларимда йўлчироқ бўлган, бу яхшилигини ҳеч қачон ҳеч қаерда миннат қилмаган ажойиб инсонга ўша журнални кўнг билан ҳам олиб бориб бермабман... Кимдир (шогирдларидан бўлса керак) келиб олиб кетган. Одам ёши улгайган сари яхшлик қадри ҳақида кўпроқ ўйлар экан. Агар ҳозирги ақлим бўлганида, домлани сўнгги нафасларигача йўқлаган бўлардим. Яна бир марта нурунийларнинг йиғинида кўриб қолдим. Уруш фахрийларини чақиривган экан. Ушунда минбардан туриб, менга қилган яхшиликлари ҳақида гапириб, миннатдорлик билдирганман. Йиғиндан сўнг ҳол-аҳвол сўраганимизда, шу айтган гапларимдан ҳам суюнганларини билдим. Тошовузлик ижодкорлар қаҳда китоб ёзаётганларини айтиб, мендан китобларимни олиб бориб беришимни сўраганман. Шу ишнинг қилмадим мен нодон. Тўрткўллик шоира (узоқ йиллардан буён бордин-келдимиз бор эди) Ҳалима Жуманиёзова ҳам:

— Домла китобларингизни сўраяпти, — деди. "Хўп", дедим-у, ҳафсала қилмадим. Сўн... сўнгги йўлга кузатишга бордим... Ҳаётим, тақдиримда ўчмас из қолдирган бу беназир инсонни энди фақат дуоларимда йўқлайман. Жойлари жаннатдан бўлсин.

Қўтлибека РАҲИМБОВА.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ТЎГАРАҚДА ЭССЕ ЖАНРИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими ҳамда Урганч давлат университети ҳамкорлигида "Мен ҳам журналист бўламан" ижодий тўғарага аъзолари учун навбатдаги машғулот ўтказилди.



Ушбу машғулот "Ўзбек ва жаҳон журналистикасида эссе жанри" мавзусига бағишланди. Унда ёшлар учун эссе жанри бўйича назарий ва амалий кўникмаларни ошириш, ижодий фикрлашни ривожлантириш ва соҳа мутахассислари билан яқиндан танишиш имконияти яратилди.

Ўтказилган машғулотга бўлажак журналистларга тажрибали журналист, мутахассис ва ўқитувчилар жалб қилинди. "Ҳаёт кўзгуси" газетаси муҳаррири М.Тиллаева, "Ишонч" газетасининг Хоразм вилоятидаги муҳбири М.Тўрабаева ва Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими мутахассиси М.Хўжамуродова, шунингдек, УрДУнинг Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчилари М.Тиллаева ва Д.Бекметовалар тўғарақ аъзоларига эссе жанри бўйича назарий ва амалий машқларни ўтишиб, савол-жавоблар орқали фойдали тавсиялар беришди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ: ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ

Навоий шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабида вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида "Янги босқичга қадам: Мактабгача таълим ва тарбия тизими янада тақомиллаштирилади" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги "Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг мақсад ва вазифаларига бағишланган мазкур анжуманда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда мутахассислар томонидан мазкур фармонда мактабгача таълим ва тарбия тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида тақомиллаштириш, инновацион мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ташкил этиш, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, педагог кадрлар салоҳиятини ошириш, шунингдек, болаларни ўйинга йўналтирилган таълим асосида миллий гуруҳ ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгиланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, очик ва шаффоф мулоқот тарзида ўтган тадбир давомида фармонда белгиланган вазифалар асосида ҳудудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, қўйилган натижалар ҳамда тизимдаги янгиликларнинг амалий механизмлари юзасидан батафсил маълумот берилди.



— Тадбирда мактабгача таълим қамровини ошириш, давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар, педагог кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар юзасидан кераклича маълумотларга эга бўлди, — деди Навоий вилояти телерадиоканали радио муҳбири Гуландом Юнусова. — Хусусан, ОАВ вакилларига фармоннинг мазмун-моҳияти билан чуқурроқ танишиш, уни кенг жамоатчиликка ҳолис етказиш ва тизимли ёритиш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбир давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари мавзу доирасида қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан атофлича жавоб берилди. Матбуот анжумани якунида тизимдаги ислохотлар жараё-

нини изчил ва тизимли ёритиш ва аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ХОНАДОНИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси масъул вакиллари билан бири Холмурод Салимов Қарши шаҳрида Уюшманинг Қашқадарё вилоят бўлими раиси Акбар Раҳмонов ҳамда узоқ йиллар Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимини бошқарган Галовиддин Юлдашев ҳамроҳлигида кексалик гаштини сураётган бир нечта қашқадарёлик устоз журналистлар ҳолидан хабар олди.

Дастлаб Қарши шаҳрида яшовчи 65 ёшни қаршилаган Гулбаҳор Мусаева хонадониди бўлинди. Г.Мусаева 1995-2018 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясида турли масъул лавозимларда ишлаган. Давлатимиз томонидан меҳнати муноси рағбатлантирилиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони билан тақдирланган.

Гулбаҳор Мусаева билан дилдан сўхбатлашган Уюшма масъуллари устозга соғлиқ-саломатлик тилаб, уни 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини байрами билан табриқлади, совғалар улашди.

Уюшма масъулларининг устоз журналистлар билан бундай самимий сўхбат ва учрашув "Дўстлик" ордени соҳиби, кўптуф 80 ёшни қаршилаган Бўри Норқобиллов хонадониди давом этди. "Қашқадарё" ва "Қашқадар" газеталари бош муҳаррири, "Халқ сўзи", "Правда Востока" газеталарининг Қашқадарёдаги муҳбири сингари вазифаларда ишлаган.

Бўри Норқобилловнинг турмуш ўртоғи Малоҳат Камолова ҳам узоқ йиллар Қашқадарё вилояти телевидениесиди муҳаррирлик қилган. Турмуш қуришганига эллик йилдан ошган бу бахтли жуфтликнинг кенжа фарзанди Жамшид Норқобиллов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомуҳбири сифатида фаолият олиб бормоқда.

Журналистлар оиласидаги гурун қизигандан-қизиди. Устоз Бўри Норқобиллов оммавий ахборот воситаларини, ижтимоий тармоқни доимий қўзатиб бораётганини айтиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳалар, жумладан, журналистика соҳаси тез суратларда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўртимизда кекса авлод вакиллари ҳар ҳижатдан қўллаб-қувватланаётганини миннатдорлик билан қайд этди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

Картадан картага пул ўтказмаларини солиқчилар ҳам текширади



Марказий банк талаби билан тўлов ташкилотлари ва банклар мобил иловаларида картадан-картага пул ўтказишда (P2P) "ўтказма мақсадни кўрсатиш" тартиби мажбурий равишда жорий этилиши хабар берилганди.

Солиқ органлари масъуллари ҳам бунга муносабат билдирди. Маълум қилинишича, харидор савдо дўконига бориб, сотувчининг картасига тўлов қилганда "олган товарим учун" деган мақсадни танлайди. Сотувчи эса буни "касса аппарат" орқали кириш қилишга мажбур бўлади. Акс ҳолда, текшириш жараёнида "P2P"дан ноқонуний айланган пулнинг 20 фоиз миқдориди тадбиркорга жарами қўлланилади.

Манба: platforma.uz

МУТОЛАА

ЎРТАНИШЛАР ПЎРТАНАСИ

Алишер Навоий таваллудининг беш юз йиллигини нишонлаш аракисидида ҳукумат қарорига мувофиқ, шоир асарларини муфассалроқ ўрганиш ва нашр этиш учун 1939 йили Фанлар академияси қошида “Навоий кўмитаси” тuzилади. Кўмитага турли вилоятлардан мумтоз адабидан билимдонлари жалб этилиб, Тошкентга қақрилади. Ажабки, уларнинг аксарияти андижонлик эди: Махжурий, Ҳабийбий, Анисий, Сайфий ва бошқалар... Бу бежиз эмас. Андижон элида азалдан адабий муҳит, аруз мактаби ривож топган. Навоий, Бобур руҳига яқинлик бир бошқача. “Навоий лаҳжасида сўзлаган Андижонсан”, деганда Абдулла Орипов ҳам худди шу омилларни кўзда тутган, албатта.

Эллигинчи-оптмишинчи йилларга келиб эса Восит Саъдулла, Улфат, Амонулло Валихонов (Боқир), Ҳайитбой Азимий, сўнроқ Олимжон Холдор, Тўлан Низом, Елқин (Хурибой Мирзакаримов), Қобил Мирзо, Ҳабидулло Исомиддинов, Суҳайлий, Назотий, Абдуғулом Абдуғани ўғли, Музаффар Жаъфар сингари яна бир авлод ғазалхонлар қалам сурдилар.

Бугун ҳам Андижонда бир неча ижодий тўғарақ, файзли адабий давралар бор. Яна аҳамиятлиси, бу давраларнинг негизидида ғазал — Лутфий ва Навоийдан, Бобур ва Фузулийдан, Муқимий ва Фурқатдан, Гафур Ғулом ва Эркин Воҳидовдан мерос, аммо ҳар бир қалбнинг муҳаббати билан янгилиниб келинаётган адабиётимизнинг бу кўҳна жанри балқиб туради. Олимжон Раҳимий, Фарид Усмон, Нусрат Абдусалом, Қамчибек Кенжа, Мунаввара Тиллабоева, Замира Рузиева, Мўмин Саттор, Баҳодир Андижоний, Аваз Абдусалом, Орифжон Мелиев, Рўзихон Иминова, Толибжон Юсуфжонов, Ғолибжон Улфат ўғли, Равшан Мирзо, Икром Аслий каби унлаб шоирлар шоярлар ҳозирги давр Андижон ғазалхонлари сафини ташкил этади. Улар бот-бот учрашиб, ижодий гурунларда ё бир пиёла чой устидида бир-бирларига “хисобот” беришади — янги ғазаллар ўқилиб, таҳлил этилади. Шунинг шарофати билан бугунги талотўп бозор замонида ҳам Андижон адабий муҳитининг кўри совимай келаётгани, тафти баланд.

Битилаётган ғазалларни шунчаки “аввалгиларнинг давоми” деб қабул қилиш ноўрин, уларнинг ҳар бирида янги фикр, янги ақида бор. Ғазалга хос ифтор, адабиёт учун бирламчи шарт бўлган бадиият, сўз санъати бор.

Андижон ёзувчиларининг сармундийси Хуршида Ваҳобжон қизи-ку, аввал-охир ғазал шайдоси, бармоқ ва аруздаги битикларидан тузилган бир неча ки-

тоби нашр этилган. Буни қаранги, Хуршидахон ғазални шунчаки ёзмайди, унинг назариясини ҳам бир шеършунво қатори ўрганган. Маълумки, Навоийнинг “Мезонул авзон”, Бобурнинг “Муфассал” асарлари айнан аруз вазнлари тадқиқига бағишланган. Буюк салафларнинг невараси шогирди бўлган бу шоира ҳам ўзи ёзаётган ҳар бир байт қайси вазнда эканини яхши билади, натижада уларни қоқиниб-туртинмай, равон ўқийсиз. Шоира замондош арузшунво, академик Абдулла Аъзам билан устоз-шогирдчилик, бой-сунлик истеъдодли ғазалнавис, ёш бўлишига қарамай аруз билимдони бўлган шоир Алишер Муқимов билан доимий ижодий ҳамкорлик муносабатларида бўлишга ҳаракат қилади.

Шоиранинг аввалроқ “Ўзбекистон” нашриёти чоп этган “Янги тон” китобида ҳар ғазал аввалида унинг вази, тақтеси кўрсатилганлиги ўзига хос янгиликдек эътиборини тортган эди. Тўғри-да, китобхон асарни шунчаки ўқимай, унинг шаклий жиҳатларини дақиқлаштиришга ҳам ўтади. Шоира ғазаллари шеършунволикда “туркий аруз” деб номланганидан рамал ва ҳазаж баҳрининг турли вазнларига, бир-икки ўринларда мутақориб, сарий, ражазда битилган.

Тўпламдаги ғазалларнинг фазилатларидан бири, ҳар бир сатрда сўз санъатларидан маҳорат билан фойдаланишга ҳаракат қилинган учун янги маъно яқинлаб кўринади. Бунга ҳам қониқмай, шоира маснавийда ҳам дардди, образли тасвирлар яратган, масалан, мен учун бу мутлақо янги. Ўзи, маснавий деганда биз воқеалар (эпик) баённи тасаввур қилар эдик, бироқ Хуршидахон лирик маснавий битишни йўлга қўйибди! Унга яқин шу йўсиндаги маснавийнинг ҳар бир байти ўзича тугал бир шеър тарзида ёзилибди. Гоҳо эса бу битиклар бутунлай янги бир жанр даражасига ҳам етади. Бандлиниши бўйича маснавий тарзидаги шеърларни аввал бошида мен тўртлиқлариди деб хаёл қилган эдим, бироқ улар арузда, ўзига хос вазндаги ижод намуналари бўлиб чиқди. Қаранг, шеъримиз нақадар бой, имкониятлари эса қанчалар ҳадис-хисобсиз!

“Ватан меҳри” тўплами (“Адабиёт” нашриёти, Тошкент — 2025)даги арузий ашъор етмиш ғазал, саккизта маснавий ва саккиз муҳаммасдан иборат. Очиғи, кўп кўрганмиз, айрим шоирлар улғу ўтмишдошларининг машхур ғазалларига не бир журъат ила таҳмис боғлаша уринишади, аммо аксар ҳолларда савия жиҳатидан ўша шоирлар даражасига яқинлашмоғи мушкул бўлади. Негаки, жўрвозлиқ қилмоқ учун ғазалнинг вази, қофия-радиофларига пайвасталашдан ҳам аввал, шоир ўша ғазал яралган дамдаги ҳолатни юракдан туйиши, ўша дард би-



лан ўртаниши, ниҳоят... ўша савияга оздир-қўндир яқинлашиши керак. Шоирамиз буни қанчалик утда-лаганини исботлашни лозим топмаймиз, китобхоннинг ўзи ўқиш асосида бунга амин бўлади.

Мени адибанинг тил бойлиги, айниқса, хурсанд қилди. У қўллаётган арабий-форсий негиздаги айрим сўзлар ҳали лўғатларимизда йўқ. Аммо шеърий матн, гўзал ифодалар бағрида бу калималар ўзбек тилига баҳузур кириб келади, шу тариқа сўз бойлигимиз орта боради.

Китобнинг иккинчи ярмида “Меҳр” ва “Самойинур” деб аталадиган достонлар берилган. “Меҳр” сўзи-ку, тушунарли, инсонга, табиатга муҳаббат, қўшдек ёғду сочиш, эзгулик улашиш. Аммо “Самойинур” — энг қимматбахо гавҳарнинг номи. Самойинур — Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида Ҳасанали ота тилидан айтган, “жуда оз кишиларга муяссар бўладиган нозик юрак жавҳари” — олий муҳаббатдир.

Менинг назаримда, “Меҳр” ҳам, “Самойинур” ҳам биз ўрганган маънодаги шеърий достонлар эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи лирик қиссалардир. Ҳар иккиси ҳам шоиранинг унсиз ҳайқириғи. Меҳр ҳам, ишқ ҳам, азоб-изтироб ҳам, ўкинчу қувонч ҳам, таънаю дашном ҳам, одобу ҳаё ҳам, эҳтирослар пўртанаси ҳам мужассам бўлган уларда. Шаклан достонга ўхшамайди — катта-кичик турли вазндаги ҳам долғаланган исёнлар аёл ҳаёси, назокати ва нафосати билан пайваста ўлароқ барқ уради. Бу достонларга киритилган шеърлар жанр нўқтаи назаридан янада ранг-барангдир.

Бу жиҳатдан, мазкур икки асар менга Миртемирнинг “Сурат” номли машхур поэмасини эслатди. Унда ҳам бир шоир қалбнинг безовта уришлари, унсиз фиғонлари, беҳудуд армонлари бор. Фарқи — Хуршидахоннинг бу шеърӣ қиссаларида аёл зоти қалбидида инжа туйғулар зуҳур этган, унинг дилида долғаланган исёнлар аёл ҳаёси, назокати ва нафосати билан пайваста ўлароқ барқ уради. Бу достонларга киритилган шеърлар жанр нўқтаи назаридан янада ранг-барангдир.

Фикрларни далиллаш учун мен атайин ғазалу муҳаммаслардан, достонлардан мисол келтириб ўтирмадим. Zero, китобхон дўстларимиз учун уларни топиш инкишоф этиш завқини беради. Хуршида Ваҳобжон қизининг “Ватан меҳри” китоби сўз санъатимизда янги, оҳорли бир сўз бўлади, деб ишонман.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, адабиётшунво.

ХОРИЖ

САККИЗТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ЗАРАР КЎРДИ

10 март, сешанбага ўтар кечаси Россиянинг Днепрга берган зарбаси натижасида камида саккизта кўп қаватли турар-жой биносига шикаст етди. Бу ҳақда шаҳар ҳокими Борис Филатов маълум қилди. Унинг айтишича, уйларда бир неча юзта деразалар синган.

Днепропетровск вилояти ҳарбий маъмурияти раҳбари Александр Ганжанин сўзларига кўра, ўн киши жароҳат олган, улар орасида 12 ёшли бола ҳам бор. Икки нафар аёл шифохонага ётқизилган, яна бир неча кишига эса ўша жойнинг ўзида тиббий ёрдам кўрсатилган.



Шунингдек, 9 март кечкурун ва 10 мартга ўтар кечаси Россия дронлари Харьковга икки тўлқинда зарба берган. Шаҳарнинг Индуриал туманида, дастлабки маълумотларга кўра, “Герань-2” туридаги учувчисиз аппарат кўп қаватли уйлардан бирига зарба берган. Ҳоқимият маълумотларига кўра, саккиз киши жабрланган.

Ҳужум оқибатида автомобиллар ва уйларнинг қуйи қаватларидаги хонадонлар ёнган, квартиралардаги ойналар синган.

Кейинроқ Харьковнинг Холодногорск тумани ҳам ҳужумга учради — шаҳар ҳокими Игор Тереховнинг сўзларига кўра, у ерда икки киши жабрланган, хусусий уйлар ва ҳўжалик иншоотларига шикаст етган.

ЭРОНДАГИ УРУШ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

АҚШ президенти Дональд Трамп Эрондаги уруш аввал режалаштирилганидан ҳам тезроқ якунланиши мумкинлигини айтди. У бу ҳақда “CBS News” телеканалига телефон орқали берган интервьюсида маълум қилган.

Шу билан бери, у АҚШ ва Исроил ҳали “етарлича ғалаба қозонмагани”ни айтди. Кейинроқ Флорида штатида ўтган матбуот анжуманида журналистлар Трампдан “уруш шу ҳафта тугайдими?” деб сўради. АҚШ президенти бунга “йўқ” деб жавоб берди. Аммо уруш “жуда тез орада” тугашини айтиб, аниқ санани келтирмади. У урушдаги энг катта ҳавф уч кун олдин ортада қолганини билдирди.



НЕФТЬ ЗАХИРАЛАРИ БОЗОРГА ЧИҚАРИЛАДИ

АҚШ ва Исроилнинг Эронга қарши уруши оқибатида юзага келган энергетика инқирози муносабати билан G7 мамлакатлари молия вазирлари нефть захираларининг бир қисмини бозорга чиқаришга тайёр эканини билдирди.

Франция томонидан 9 март, душанба кунини ташкил этилган видеоконференция якунлари бўйича вазирлик раҳбарларининг қўшма баёнотида шундай дейилади: “Биз зарур чораларни кўришга тайёрмиз, жумладан, энергетика ресурсларининг жаҳон таъминотини қўллаб-қувватлаш, масалан, захираларни бўшатish орқали”.



Шу билан бирга, Франция томони АҚШ ва Исроилнинг Эронга қарши уруши муносабати билан миллий нефть захираларининг бир қисмидан фойдаланиш эҳтимоли ҳақида ҳозирча қарор қабул қилинмаганини маълум қилди.

Тарихига 32 та давлат қирадиган ХЭА аъзолари 1,2 миллиард баррелдан ортиқ стратегик нефть захираларига эга. Бу ҳажмга яна 600 миллиард баррель саноат захиралари ҳам қўшилади. ХЭАга аъзо мамлакатлар инқирозли вазиятларда нефть бозорини барқарорлаштириш ёки таъминот танқислигига жавоб бериш мақсадида ўз стратегик нефть захираларини бозорга чиқаради, гарчи бу чорага жуда кам муурожаат қилинса ҳам.

АҚШ ва Исроилнинг Эронга қарши уруши ҳамда Ҳўрмуз бўғозининг амалда тўсиб қўйилиши туфайли нефть нархи 2022 йилдан бери биринчи марта 100 АҚШ долларидан ошди. “Reuters” агентлиги хабар беришича, кунини кеча Лондон биржасида ошди бошида Европада эталон ҳисобланган “Brent” нефти фьючерслари нархи вақтинча қарийб 26 фоизга кўтарилиб, бир баррель (159 литр) учун 116,6 долларга етган.

Интернет хабарлари асосида Муҳаммадсодик ТўРАЕВ тайёрлади.

ИБРАТ

Ёнғинга қарши одатда бир киши кирмайди. Унга қутқарувчилар доим ҳалқа сингари биргаликда бостириб киради. Аслида ҳам ҳар бир касбий муваффақият — жамоавий бирдамлик маҳсули. Бугунги қаҳрамонимиз — 1-даражали сержант Рустам Ҳайитов ФВВ тизимида ишлаётганига 24 йил бўлди. Бу бир навқирон йигитнинг ёши билан баробар муддат. Чорак аср вақт мобайнида уста қутқарувчи 10 га яқин қутқарув турларида, хусусан, катта ёнғинларда, чуқурликка тушиб кетган, чўққиларда адашиб қолган, лифтда қолиб кетган одамларга ёрдам беришда, уй эшиги қулфланиб, ичкарида қаровсиз қолган болалар қутқарувида ва яна кўплаб фавқулодда вазиятларда иштирок этган. Бугун ўттизга яқин шогирдларига касб маҳоратини ўргатиб, елкама-елка ишлаб келаётган қаҳрамонимизни суҳбатга қорладиқ.

Моҳир қутқарувчи Рустам Ҳайитов 1981 йил Тошкент вилояти, Тошкент туманида туғилган. 24 йил мобайнида минга яқин турли хил қақирувларда қолиб иштирок этган. Айни пайтда Тошкент шаҳар, Юнусовда туманида жойлашган 16-қутқарув қисмида ёнғин учирувчи-қутқарувчи сифатида ўз фаолиятини давом эттириб, ёшларга касбий маҳоратларини ўргатиб келмоқда. Қишда юз берадиган ёнғинлардаги вазият бошқа фаслларникидан

ЭНГ КАТТА МУКОФОТ — ҚУТҚАРИЛГАН ҲАЁТ

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ўт ўчирувчи-қутқарувчи бўлиб ишлаётган Рустам ҲАЙИТОВ фаолиятига чизгилар

бир қадар қийин. Сабаби оловга қараб сув сепар экан, ёнғин ўчирувчиларнинг уст-боши ҳўл бўлиб, эғнидаги 20-30 килолик эпикировка яна бир қадар оғирлашади, совуқда чиққанида эса ҳўл либослар музга айланади. Бу жараён кишидан касбий маҳоратдан ташқари, инсоний матонатни ҳам талаб этишини шу ҳолатдан ҳам кузатиш мумкин.

— Шундай дейсиз-у, аммо қутқарувчи учун фаслнинг аҳамияти йўқ. У ҳар қандай мавсумда хавф билан турли шаклда юзлашади. — деди суҳбатдошимиз Рустам Ҳайитов. — Масалан, бир воқеани эслайлик. Чиноротда подстанция ёнғанида одамлар юз метргача ҳам яқин кела олмаган — ҳарорат жуда юқори бўлган. Биз эса “тилсиз ёв” ўчоғига тикка кириб борганмиз. Катта ҳарорат ичида, гарчи эғнимизда кислород баллонни бўлса-да, ёниб кетиши, қуйиш, жароҳат олиши ёки ҳаддан ташқари иссиқ ва тутунли ҳавода бўғилиб қолиш хавфи бизни ҳам қўршаб олган эди. Яъни биз ҳеч қачон ҳеч бир жараёнда хавфдан холи бўлмаймиз. Шунга қарамай, ҳар қан-

дай хавф ичига тикка кирамиз. Ўша воқеа содир бўлганида алангани ўчириб, хавфни бартараф этганимиздан сўнғ узокроқда кузатиб турган аҳоли қарсақ чалиб, олқишлар билан қарши олган эди бизни. Халқимизнинг эътиборидан чарчоқлар бир қадар унтилиб кетган.

Дарҳақиқат, эътибор, хайрихоҳлик кишига энг биринчи руҳий қувват берувчи кучдир. Айниқса, халқ эътирофи ҳар қандай мукофотдан ҳам устун, деса ҳам, муболага бўлмайди. Қолаверса, қутқарув жараёни бир кишилик иш эмас. Бир киши йўқ бўлса ҳам, ўрни дарҳол сезилади. Чунки бу касбда ҳар бир мутахасссининг вазифаси муҳим. Жамоавий бирдамлик ҳам инсонга куч бериши, қийин вазиятларда тўғри қарор қабул қилишига кўмак бериши шўбҳасиз.

— Албатта, жамоа ҳам оиладай гап. Унда ҳар бир киши занжирнинг ҳалқаси каби бир-бирига боғлиқ. Бу, айниқса, катта кўламли ёнғинларда сезилади, — дея ўз фикрини баён қилди қаҳрамонимиз. — Шайхонтоҳур тумани, Қоҳота кўчасида яқинда катта

ёнғин юз берди. Юз квадрат майдон аланга ичида қолди. Ёнғин 5 соат ичида бартараф этилди. Беш соат деганимдан ҳам билишингиз мумкин ёнғиннинг қай даражада йирик бўлганини. Аммо шундай катта ёнғинда ҳам жамоамиз билан бирдам жолда хавфни бартараф этдик.

Қутқарувчининг қуроли ўзи билан — тезкорлик, шайлик, маҳорат. Ҳар кун хавф билан юзлашадиган қутқарувчиларга, аввало, қутқарилган инсоннинг миннатдор нигоҳи таскин беради.

— Шаҳсан мен аввал хавф остидаги инсон, сафдошларим, сўнгра ўзим ҳам хавф ичидан омон чиққанимга севинаман, — деди суҳбатдошимиз. — Янаям теранроқ англашингиз учун бир воқеани айтиб берай. Кунлардан бир кун Олмазор туманида перикис водород ҳавога сизиб чиқиб кетгани ҳақида шошилиңч хабар келиб тушди. Биз зудлик билан ишлаб чиқариш қорхонасига етиб бордик ва махсус иш қуролларимиз билан ҳавони заҳарли моддадан бартараф қилишга киришдик. Эртапаб 11 ларда қақирув келиб тушган бўлса, кейинги



таълим муассасаларида, қорхона ва ташкилотларда профилактик тадбирлар олиб боради. Қаҳрамонимиз ҳам қутқарув ишларидан ташқари, мана шундай профилактик тадбирларда ҳам фаол. Фавқулодда вазиятларга шай худудларда талафот кам бўлиши ҳақида кўп бор эшитгансиз. Бу нақлга ҳар мавсумда риоя қилиш халқ муҳофазаси учун муҳим саналади. Уста қутқарувчи бу каби тадбирлар нафақат аҳолининг, балки қутқарувчиларнинг ҳам шайлик қораларини оширади, билим ва тажрибаларини мустаҳкамлайди, деб ҳисоблайди.

— Мен шу пайтгача сира интервью бермаганман журналистларга. Биринчи марта сиз билан суҳбатлашим. Аммо суҳбат мобайнида ҳис қилияман — айтадиган гап кўп экан. Қандай мукофотлар олгансиз, деган саволингизга жавобим: бугунгача худудлардаги Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ташаккурномалар олганман. Биз учун энг катта мукофот — қутқарилган ҳаёт ва миннатдор нигоҳлар. Қутқарувлардан сўнғ бир ўлимдан қолдим деб айрим одамлар пул беради бизга, лекин олмаймиз. Уларнинг мана шу севинчи, дуоси бизга етарли, — дея суҳбатни якунлади қаҳрамонимиз.

Аслида, қутқарувчилар билан суҳбатлар ҳеч қачон яқин топмайди. Ҳар бир қутқарувчининг ўз ҳикояси бор ва бу ҳикоялар тиллардан-тиллорга кўчиб юраверади. Халқ муҳофазасига бел боғлаган инсонлар сафи ортар экан, бизнинг суҳбатларимиз ҳам давом этаверади...

Юлдуз ЎРМОНОВА,
журналист.

✓ **ФАОЛИЯТ**

БИЛИМИ, ТАШАББУСКОР ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ёшларнинг етук авлод вакиллари бўлишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош омили сифатида инсон капитали, айниқса, ёш авлод салоҳиятига таяниш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб таълим олиш, илм-фан билан шуғулланиш, замонавий касб-хунарларни эгаллаш ва ўз иқтидорини намоён этиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Қўқсарой қароргоҳида яқинда ўтказилган ёшлар билан очиқ мулоқот мамлакат ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тарихга кирди. Мазкур мулоқотда ёшларнинг орзу-интилишлари, ташаббуслари ва муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди, уларни қўллаб-қувватлашнинг янги йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан бевосита мулоқоти, уларнинг фикр ва ташаббусларини тинглаши мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг инсон манфаатларига йўналтирилганининг яна бир ёрқин ифодаси, десак, хато бўлмас.

Мулоқот давомида Президентимиз ёшлар мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи кучи эканини яна бир бор алоҳида таъкидлаб, уларнинг билим олиши, илм-фан билан шуғулланиши, инновацион ғояларни илгари суриши ва ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун давлат томонидан барча шарт-шароитлар яратилаётганини қайд этдилар.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим, хусусан, олий таълим тизими тубдан ислох қилинмоқда. Янги университет ва институтлар ташкил этилди. Хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари очилди, таълим мазмуни ва сифати тубдан янгиланмоқда. Бу ислохотлар ёшларнинг замонавий билим ва малакаларни эгаллаши, халқаро меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилмоқда.

Айниқса, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, инно-



вацион ғояларни амалиётга кенг жорий этишга қаратилган ташаббуслар илм-фан ривожига янги босқични бошлаб бермоқда. Бугунги кунда илмий грантлар, стартап лойиҳалар, ёш тадқиқотчилар учун махсус дастурлар орқали мамлакатимизда инновацион муҳит шаклланиб бормоқда.

Шу билан бирга, таълим сифатини ошириш, хорижий тилларни пухта ўрганиш, рақамли технологияларни ўзлаштириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш каби вазифалар ҳам давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим муассасалари олдига янги ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси ҳам Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ёшлар билан ишлаш, таълим

сифатини ошириш ва илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш борасида аниқ режаларни белгилаб олди.

Хусусан, университетнинг 18 та факультети ва 58 та кафедрасида ёшлар билан ишлашнинг манзилли тизими йўлга қўйилди. Талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида тўғрақлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус платформа яратилиб, унга 8 минг нафардан ортқ талабани қамраб олиш режалаштирилган.

Албатта, иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар томонидан амалга оширилаётган стартап ва инновацион лойиҳалар сонини сезиларли даражада ошириш, уларнинг улушини жами илмий ишланмалар ҳажмида 30 фоизгача етказиш кўзда тутилмоқда.

Университетда илмий даража ва унвонга эга истиқболли ёш профессор-ўқитувчилар ва

олимлар сонини кўпайтириш ҳам устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Жумладан, 40 ёшгача бўлган юқори салоҳиятли илмий-педагог кадрлар сонини 400 нафаргача етказиш режалаштирилган.

Энг муҳими, университетда ҳар бир талаба нафақат билим олиши, балки ўз келажагини аниқ белгилаши, касбий йўналишини топиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, таълим тизимига инновация ва замонавий методикаларни жорий этмасдан туриб ҳақиқий тараққиётга эришиб бўлмайди.

Шу мақсадда университетимизда 2026–2027 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим тизими жорий этилади. Бу борада “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятининг Устюрт газ қазиб чиқариш бошқармаси ҳамда “Қўнғирот сода заводи” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда 100 нафар талабани ишлаб чиқариш билан уйғун таълим олишга жалб этиш режалаштирилган.

Шунингдек, чет тилларини ўқитишни янги форматда ташкил этиш орқали ҳар бир битирувчининг камида битта касбий кўникма ва битта чет тилини амалий даражада билиши таъминланади.

Бу йўналишда: чет тилларини мукамал биладиган 160 нафар талабани ментор сифатида тайёрлаш; маҳалла ёшлари учун ёзги таътил даврида қисқа муддатли тил курсларини ташкил этиш; талабалар орасида В2–С1 даражадаги халқаро сертификатлар сонини 1300 нафарга, профессор-ўқитувчилар орасида эса 450 нафарга етказиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида университетнинг 1000 нафар профессор-ўқитувчиси ва 17 минг нафар талабаси рақамли платформаларда таълим олиб, сунъий интеллект соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган янги молиявий механизмлар универ-

ситетлар учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда.

Университетимизда талабаларнинг стартап ғояларини амалга ошириш, уларни бизнес лойиҳаларга айлантириш бўйича менторлик тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, инвесторлар ва тадбиркорлар иштирокида стартап форумлари ташкил этилади.

“Келажаққа қадам” дастури доирасида жорий йилда университетни битираётган 3987 нафар талабанинг камида 20 фоизи имтиёзли кредитлар олишига амалий кўмак берилди. Глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларни миллий қадриятларга содиқ, юксак маънавиятга инсонлар этиб тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда университетда китобхонлик маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда бир вақтнинг ўзига 300 нафардан ортқ китобхонни қамраб оладиган замонавий типдаги янги кутубхона қурилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, 2026 йилда университет профессор-ўқитувчилари томонидан ўзбек ва қорақалпоқ тилларида 276 номдаги янги авлод ўқув адабиётлари яратилиб, нашр этилади.

Бугун мамлакатимиз тараққиёти ёшларнинг билими, ташаббускор ва фидойи бўлиб камол топиши билан чамбарчас боғлиқ. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар нафақат янги имкониятлар, балки ҳар биримиз учун юксак масъулият ҳамдир.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси мазкур вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, ёшларимизнинг илм-фан, инновация, тадбиркорлик ва маънавият соҳаларида етакчи авлод бўлиб етишиши учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этади. Чунки билимли, ташаббускор ва фаол ёшлар — Янги Ўзбекистоннинг энг ишончли таянчи, мамлакатимиз тараққиётининг асосий кучидир.

Бердёр ЖОЛИБЕКОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори.

✓ **МУЖДА**

ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

ушбу жараёнда талабалар маош олган ҳолда ўқишади

Анджон давлат техника институтида ҳам таълим сифатини ошириш, назарий билимларни амалиётга мустаҳкамлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, олий таълим масканимиз “UzAuto Motors” АЖ, “Hududy elektr tarmoqlari” АЖ Анджон худудий филиали, “Shangfeng-Bridge of Friendship” МЧЖ, “Reco Brend Sement” МЧЖ, “Fujixun Lift (UZ) LTD” МЧЖ, “Andijon don mahsulot” АЖ, “O’z AutoAustem” МЧЖ, “UzSaemyung Ko” АЖ ҚК, “Garant bank” АЖ, “Auto Rubber” МЧЖ, “Avto Climate Control” МЧЖ, “Invest Finance Bank” АЖ, “Andijon viloyati issiqlik manbai DUK” каби 130 дан ортқ ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзолаган. Талабалар амалиёти, профессор-ўқитувчилар стажировкалари ва дуал таълим жараёнлари ушбу ҳамкорлар базаларида ташкил этилади.

Вазирлар Маъжасининг “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича режа мавжуд. Ҳозирда 40 дан зиёд корхона ва ташкилотларда 4-курс битирувчилари тўлиқ дуал таълим шаклида тахсил олмоқда. Ушбу жараёнда битирувчиларнинг 136 нафари иш ҳақи олган ҳолда таълим жараёнларида қатнашиб келмоқда.

Институт “Метрология ва энгил саноат” кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам вилоятдаги саноат корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари



асосида муайян ишларни амалга оширмоқда. Битирувчи курс талабалари вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналарида дуал таълим асосида билим олишмоқда.

“Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти” факультетининг 4-курс талабалари ҳам дарсларини “Ўзбекистон миллий метрология институти” ДМ Анджон филиалида ўтишмоқда. Талабалар бу жойда метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш

бўйича аудиторияда олган назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамламоқда. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш, қиёслаш ва калибрлаш ишларини ташкил қилиш бўйича яхши натижаларга эришяпти.

Дарснинг амалий аҳамияти шунда бўлдики, талабалар дастлаб назарий билимлар олишгандан сўнг, температура ўлчаш воситаларини қиёслаш жараёнида иштирок этишди. “Ўзбекистон миллий метрология институти” ДМ Анджон филиали лабораториясида ўтказилган қиёслаш жараёнида талабалар қиёслаш шароитлари ва унга тайёрларлини қўриш, қиёслаш ишларини ўтказиш тартиби, ташқи кўрик, қиёсланувчи асбобларни ишлатиш бўйича билимларини янада мустаҳкамлашди. Ўз навбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди. Жавобларни устозлари билан биргаликда соҳа мутахассисларининг аниқ мисоллар билан тушунтириши дарс сифатининг юқори даражада бўлишига замин яратмоқда.

Олий таълим даргоҳларида таълим олаётган ёшларни ҳар тарафлама етук, етарлича билим ва амалиёт кўникмаларига эга бўлган мутахассислар қилиб тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бу ишда дуал таълимнинг аҳамияти катта. Таълимнинг бу шакли, шубҳасиз, келгусида яхши самара бериши муқаррар.

Хайрулла ВАСИЕВ,
Анджон давлат техника институти катта ўқитувчиси.

✓ **ҚИЛМИШ**

Бу ҳаётда нопок йўл билан бойлик орттиришни ўзига “касб” қилиб олганлар ҳам учрайди. Бир сўз билан айтганда фирибгарлик.

Хусусан, Тошкент шаҳрида яшовчи Х.Қ. муқаддам босқинчилик, товламачилик, ўғрилиқ жиноятини содир этгани учун озодликдан маҳрум этилган эди. Бироқ у бу гал ўзгалари алдаганлиги учун яна судланди. Гап шундаки, Х.Қ. ўтган йили 6 сентябрь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган Талабалар шаҳарчасида бир фуқарони алдайди.



ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ ВОЙ...

Ўша кунлари Ф.Х. “Spark” автотомашинани таъмирлаб, сотиш учун бозорга олиб чиқади. Шунда унга бозорда автотомашина олди-сотдис билан шуғулланадиган танишлар телефон қилиб, харидор борлигини айтишади. Ф.Х. харидор билан учрашиш учун Талабалар шаҳарчасидаги нотариал идорага боради. У харидор Х.Қ. билан машинани 7 300 АҚШ долларига савдолашади. Харидор бўлиб тўлаш шарт билан бошлангичи 1000 АҚШ доллари ва пулни қолган қисмини 30 ой давомида ҳар ойда 250 АҚШ долларидан берадиган бўлади. Сотувчи “Spark”ни сотиш ҳуқуқисиз фақатгина бошқариш ҳуқуқи билан ишончнома қилиб беради. Шу ўринда жабрланувчининг суддаги курсатмасини келтирсак:

— Узаро савдолашимизимиздан кейин Х.Қ. машинани ҳайдаб кетди. Пул бериши керак бўлган вақтда эса телефон қилсам, жавоб бермади, турли баҳоналар билан мени алдаб юрди. Кейин билсам, машинани бегона фуқарога сотиб юборган экан. Алданганлигимни билганимдан кейин ҳуқуқ органларига мурожаат қилдим. Ҳозирда Х.Қ. томонидан менга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган. Унга нисбатан ҳеч қандай давом йўқ.

Х.Қ.нинг қармоғига илинганлардан яна бирининг суддаги курсатмаси:

— Ўтган йили декабрь ойда автотомашина сотиб олиш учун Сергелидаги бозорга бордик, — деди жабрланувчи Ю.Д. — Бозорда Баҳодир исмли машина олди-сотдиси

билан шуғулланадиган шахс “Spark” русумли автотомашинани курсатиб, Х.Қ. билан таништирдик. Шунда биз машина эгасига бошлангич тўлов сифатида 1 400 АҚШ доллари беришга ва ҳар ойда 400 АҚШ долларидан 13 ой давомида ижара пулини тўлашга келишдик. Пули тўлиқ тўлангач, у менга “Spark”ни расмийлаштириб берадиган бўлди. Уша кун ишончнома қилиб беринг, деганимда, у: “Бугун нотариус ишламайди, эртага ҳаммасини қилиб бераман”, деди. Кейин билсам, у фирибгар экан...

Яқинда беш марта судланган Х.Қ.нинг жиноий иши судда қўриб чиқилди. Унга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахси, шунингдек, у жазони ўташ даврида ғараз ниятда яна янги жиноятни содир қилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланди. Шундай қилиб, Х.Қ. узил-кесил 5 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан Х.Қ. ўта хавфли рецидивист деб топилди.

Агарда Х.Қ. тўғри йўлдан юриб, ҳалол меҳнат қилганида, бошига бундай кунлар тушмасди. 18 ёшида жиноятга қўл уриб, мазмунсиз ҳаёт кечирган бу йигитнинг қисмати ҳаммамизни ўйлантиради. Нега у эгри йўлдан юрди? Унинг бу ахволга тушишига нималар сабаб бўлди экан?..

Баҳодир ҚАЙОМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг судьяси.



САНЪАТИМИЗ АФСОНАСИ

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, биринчи ўзбек балеринаси Бернора ҚОРИЕВА “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланди

1-6

У Меҳри образида ҳақиқий ошиқ қиёфасини яратди. Бу роль миллий руҳи, ўзбек хореографияси элементларининг нозик ва табиий қўлланилиши билан ажралиб туради. Меҳри қиёфаси гўзаллик, лаптофат ва ҳаракатдаги нафосат билан томошавин қалбига йўл топган.

Бернора Қориева саҳна билан чекланиб қолмади. У бир неча йиллар раҳбарлик лавозимларида самарали фаолият юритди. 1979 йилда “Ўзбекистон ёшлар балети” бирлашмасини таъсис этиб, 1983 йилгача унга раҳбарлик қилди. 1985 йилдан Ўзбекистон театр арбоблари уюشمаси раиси, 1994–2002 йилларда эса Алишер Навоий номидаги театр директори ва бадий раҳбари сифатида ишлади. 2004 йил Тошкентда биринчи хусусий рақс мактабини очди.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида балет санъатини ривожлантириш ва оммалаштириш осон бўлмаган. Аммо у ҳаракат қилди ва ундади. Шу сабаб Бернора Қориева номи нафақат ўзбек балети, балки миллий маданиятимиз тарихида ҳам абадий қолади.

Аслида, маданиятимизнинг қадимий ва жонли тарихи ноёб ҳамда туганмас бир дoston бўлса, рақс санъати унинг шоҳ байтларидир. Бернора Қориеванинг қахрамонлари ўта ёрқин, кўзни қамаштирадиган даражада назоқатли, пинҳона нигоҳларидан малоҳат уфуриб турадиган, фавқуллода гўзал ва бетакрор эди. Шунинг учун ҳам унинг рақслари мўжизавий кучга эга бўлар, ҳаммани ром қиларди. Буюк санъаткорнинг бир-биридан бетакрор образлари жаҳонга машҳур асарлар — “Богчасари фаввораси”даги Мария, “Жизель”даги Жизель, “Оқуш қўли”даги Одетта-Одиллига, “Анна Каренина”даги Анна Каренина, “Сухайл ва Меҳр”даги Меҳр, “Тановар”даги Нурхон, “Афсоналар водийсида”ги Наргис, “Заҳарли ҳаёт”даги Марямхон роллари санъат оламида ўзига хос воқелик бўлди.

Мазлумлиқ, балет — синтетик жанр. Унда санъатнинг бир неча турлари: сценарий, мусиқа, хореография ва ифода воситалари уйғунлашади. Унда узвийлик сақланиши шарт. Рақслар мусиқа, драматургия ва руҳий ҳолатга мос келиши керак. Ҳар қандай балет образлики ва миллий ўзига хосликини сақлаб қолиши шарт. Сухбатлардан бирида Ўзбекистон халқ артисти, буюк санъаткор Тамираҳоним шундай деган эди: “Ўзбекистон халқ артисти Бернора Қориеванинг репертуарида “Сеғоҳ” концерт номери бор. Ниҳоятда жозибадор, бетакрор. Шу рақснинг кашфиёти балетмейстер Мукаррама хоним классик рақснинг аниқ штрихларини моҳирона топа билган, ҳар бир ҳаракат бу кичик хореографик мўжизада элемиқа оҳанги билан, ўзбек классик рақси элементлари эса Европа классик рақси ҳаракатлари билан уйғунлашиб кетган, бири иккинчисини тўлдирган ва бойитган”.

Санъат тарихининг нурли саҳифалари бўлган буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан фахрланамиз. Бернора Қориеванинг ниҳоятда моҳир педагоглиги, беназир устозлиги шоғирдлари билан мулоқотларда янада ёрқинроқ аён бўлади. Бернора Қориева ўзининг билими ва бой тажрибасини бағрикенглик билан ёшларга улашади: талабалар унинг “Маҳорат дарслари”ни интиқлик билан кутишади. У ўзбек балет санъатини мураккаб ва жозибадор комбинациялар билан бойитди. Бернора Қориева яратган образлар

ўзбекона нафислиги, жўшқин ифода техникасининг мукамаллиги билан ажралиб туради. У балет ижрочилиқ амалиётини такомиллаштириди, ёш балериналар маҳоратини ошириш методикасини яратди. Бугун шу методикадан Ўзбекистон давлат хореография академияси талабаларига сабоқ бермоқда.

Бернора Қориева Ўзбекистон Театр арбоблари уюشمаси раиси, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида директор ва бадий раҳбар лавозимларида фаолият кўрсатди. У балет санъатида анъанавий ва замонавий усулларни уйғунлаштириди, кўплаб усулларни янгилади, классик ва миллий усулларни бир-бирига яқинлаштириб, уларнинг техникаси ва маҳорат даражасини тинимсиз оширди. Инсоният яратилибдики, ҳар қандай янгилик қарама-қаршилиқларга, зиддиятларга дуч келади. У ўзининг нозик жуссаси билан замонлар шиддатига, синовларига бардош берди. Ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини санъатга бағишлади. Ҳар ҳар роли устиде тинимсиз изланди. Изланишу машаққатли меҳнат бесамар кетмади — жаҳоннинг энг нуфузли саҳналарида ҳам унинг нафис, ўтли, жўшқин рақсларини катта иштиёқ ва завқ билан томоша қилишди.

Бернора Қориева каби юксак тафаккурли санъаткорлар умр бўйи изланди, янгиликка интилади. Унинг ролларида классик рақс тўқимасига сингиб кетган халқ рақси ҳаракатлари мужассамлашади: ўзига хос замонавий ва миллий колоритни вужудга келтиради. Зеро, асосий қахрамонлар классик рақс тилида гапирганларида ҳам классик рақснинг ифодавий имкониятларини кенгайтириб, уларга миллий рақс услубларини жорий қилиш мумкин. Шунда асарлар янада таъсирчан кучга эга бўлади.

Композитор А.Козловскийнинг “Тановар” балетига Бернора Қориева тарихий шахс — Нурхон образини яратди. Унинг рақси парвозларида Фаргона рақс мактабига оид нафислик, майинлик, теран мазмундорликни илғаш мумкин. Айниқса, бош, қомак, қўл ва бармоқларнинг эгилиши билан боғлиқ жозибадор ҳолатларда халқ рақсларининг руҳи алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг асрий анъаналарга эга маданий меросига, миллий маърифий тараққиётига назар ташласак, энг аввало унинг тафаккур бойлиги жуда мустаҳкам илдизга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирги даврда дунё янгилашмоқда. Миллий тараққиётнинг янги замон, янги фикр ва янгича дунёқарашлари даврида истиқлол нафақат халқимиз ҳаётида, балки тафаккурда ҳам жуда катта ўзгаришлар ясамоқда.

Хореография санъати айнан ҳиссиётдан, кўнгилнинг ранг-баранг манзараларидан, тўғнал курашидан таркиб топади. Муҳаббат ва хиёнат, дўстлик ва розолат, садоқат ва рашк — буларнинг барини рақс санъати ўз имзига сола олади, унинг таъсирчан “тили” ёрдамида барча туйғулар, руҳий изтироблар, орзу ва армонлар хусусида гўзал ҳикоя қилиш мумкин. Албатта, саҳнада инсон хис-туйғуларининг турли кўринишларини акс эттириш жараёнида буларнинг барчасида халқ кўшиқ-рақсларидан, санъатимизга кириб келган асрий анъаналаридан ижодий фойдаланиш керак. Лекин бунда зарғарона истеъдод, юксак маҳорат зарур. Санъат сохталикни кўтармаиди, унинг равнақи учун ҳақиқий фидойилар зарур. Ҳамиша изланишда бўлганмиз, янги ифода воситаларини биз Фаргона халқ рақслари бой дунёсидан, Европа классик рақси хазинасидан изладик. “Дилчи-

роҳ”, “Уфори сахта”, “Садр” ва “Тановар” каби машҳур халқ рақслари усулларини асос қилиб олган ҳолда улар руҳига уйғун бўлган янги элементларни сингдирдик. Кўпроқ тарихий мавзуда асарлар яратиш керак. Мен ҳамон Улғубек Мусаевнинг “Тумарис”, “Афсоналар водийсида” балетларидаги қахрамонларимни соғинаман. Улар билан қадимий водийларида сирлашаётгандай ҳис қилиман ўзимни. Бу асарларда илдизлари тарих билан туташган янгича тимсол, ўзгача тахайюл, инсон руҳияти, қалб озодлиги бор эди. Зеро, ибтидонинг бошланиши-ю, жамики гўзаллиқнинг аввали халқимизнинг ўзидай оддий, ўзидек буюк миллий санъатимиздир, — деди Бернора Қориева.

Балет санъатида либретто, мусиқа, рақс ва тасвирий воситаларнинг бир бутунлигига эришиш катта маҳорат талаб қилади. Мазкур компонентларнинг бирлашуви унинг таъсир кучини бойитади ва энг юқори чўққиларга олиб чиқади. Ўзбекистон халқ артисти, беназир санъаткор Мукаррама Турғунбоеванинг “Мовий мақом” деб ном олган охириги рақс асари Бернора Қориева учун яратилган эди. Бу осуда ва мафтункор асарни ҳозир ҳам кўнчилиқ ҳажон билан эслайди. Қўлларнинг нафис талпиниши, бармоқларнинг назоқат ила чарх уриши, оёқ учига кўтарилди, оҳиста айланашлар томошабинни ўзига ром этиш баробарида миллий мақом санъатининг нақадар эканлигини янада ёрқин акс эттиради. Мақом санъатининг балет рақсига шу кўринишда табиий ва жозибадор намоён бўлиши санъат тараққиёти учун алоҳида ҳодиса ҳисобланади.

Жамият янгиланаётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар тикланаётган бир даврда олам ва одам ўртасидаги муносабатларни янгича тамойиллар воситасида ўрганиш ва тадқиқ қилиш кун тартибидеги энг муҳим масалага айланди. Миллатларнинг ўзига хослиги, миллий ўзлигини англаш жараёни саҳнада акс этаётган қадимий маросимлар, расм-русумлар, урф-одатлар, қадриятларни, анъаналарни ўрганиш орқали такомиллашиб боради. “Мовий мақом”да анъана ва замонавийлик, ўзбек халқ рақслари ва классик балет элементлари мужассамлашади. Аслида, саҳнада аёл қалбини, ҳис-туйғуларини турли ҳолатлар ва кўринишларда акс эттириш осон эмас. Бернора опа устози Мукаррама Турғунбоевадан миллий мусиқани юрак билан тинглашни, юрак билан хис қилишни ўрганди.

Ўзбек балет санъатида ноёб кашфиётлар, ихтиролар, янги рақсий шакллари яратди. Устозлардан ўрганганларини бир умр ўз ижодида сақлаб қолди ва ривожлантирди. У балет санъатида бутунлай янги йўналиш — Шарқ аёлнинг бетакрор латиф ва майин қиёфасини яратди. Бернора Қориева жамиятдаги барча қувончли воқеаларни, тарихий ҳодисаларни рақс асарлари билан тарихга муҳрлашга ҳаракат қилди. У ҳақиқий маънодаги драматик рақс, драматик актриса сифатида ўзбек рақс санъатида янги саҳифа очди. Томашир тафаккурини бойитган, руҳиятига таъсир қилган, қалбига ҳаётсеварлик, меҳр-муҳаббат туйғуларини бахш этган бетакрор образлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Бернора Қориева ижодига бағишлаб монографиялар, ҳужжатли фильмлар яратилган. “Бернора Қориева рақсга тушади”, “Мен балеринаман” каби асарларда серкира ижод инсон қалби ва руҳиятининг кўзгусига айланган. У Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида бир неча марта

ижодий сафарларда бўлди, ўзбек рақс санъатининг довруғини бутун дунёга ёйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориде тўғри таъкидланганидек, “Ушбу санъатни бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларига шаклланган мутоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодларга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтириши тақозо этмоқда”. Дарҳақиқат, жамиятда одамлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда такомиллаштиришда жозибадор, мафтункор рақс санъатининг ўрни ва нуфузи беқиеъ.

Ешларимизнинг суюкли устози Бернора Қориеванинг бетакрор рақслари ўзбек миллий санъатининг умумбашарий маданият хазинасига қўшилган ноёб дурдоналари ҳисобланади. Улар этнографик-эстетик, лирик-драматик характерга, мукамал сюжет ва композицияга эга яхлит асар сифатида алоҳида тадқиқот манбаи бўлишга муносибдир. Бернора Қориеванинг қахрамонлари ниҳоятда ёрқин, улар жўшқин инсонни, унинг замон ва маконнинг яхлит қиёфасига айланган қалбини намоён этади. Уч минг йиллик шонли тарихга, турли йўналишларга, ранг-баранг ифода усулларига эга бўлган ўзбек рақс санъати ўзининг бой анъана ва қадриятларини сақлаб, давр билан ҳамнафас, босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Профессор Бернора Қориева улғ аждодлардан мерос бебаҳо санъатимизни асраб-авайлаш, унинг унутулаётган усулларини қайта тиклаш, келажак авлодларга безавол етказиш каби масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган фидойи устозлардан бири.

Албатта, ҳар бир халқ умумбашарий оламга ўзининг тарихий-маърифий қиёфаси, миллий қадриятлари, маданий анъаналарини билан кириб келади. Ўзбек рақс санъатининг таркибий қисми бўлган балет санъати тараққиёти ижодий ривожланиш ва илмий изланишлар қўлмининг кенгайиб бориши билан характерланади.

Балет мактабларида ҳамиша тартиб-интизом қатъий бўлган. Бернора опа болалиқдан шу қоидаларга амал қилишга ўрганган. Саҳнанинг ҳам ўз қонун-қоидалари мавжуд. У ўз машғулотларида рақс санъатининг очилмаган қирраларини кашф қилишга, назарий-амалий жиҳатдан уни янада такомиллаштиришга интилади. Устознинг сабоқлари ўзбек рақс санъатининг ривожланиши ва рақс таълими учун ниҳоятда зарур. Рақс — ўзбек заминиде шаклланган энг қадимий маданиятлардан биридир. Ватан ўтмиши, халқ урф-одатлари, инсон омили, унинг маънавий-маърифий тамойиллари инсоннинг келажак орзу-мақсадлари билан уйғунлашса, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги янада ошади. Бой тарихга эга халқ рақс санъатининг балет саҳнасига кириб келиши миллий маданиятимизнинг нурули истиқболдан дарак беради.

Тарихий образларни яратар экан, Бернора опа воқелиқлар замиридаги моҳиятини ва инсон руҳиятини, ички кечинмаларини фалсафий мушоҳада этишга, олам ва одам, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни чуқурроқ очишга



интилади. Бугунги кунда талабаларга маданий мерос ва рақс санъати ижодиёти, унинг илмий-назарий муаммолари, анъанавий ва замонавий ижод шакллари, ижро услублари тахлили бўйича маърузалар ўқийди, машғулотларда орта қолган йилларни меҳр билан эслайди, саҳна машаққатлари ҳақида ибрат бўларли воқеаларни сўзлаб беради.

Ўзбек санъатининг асл дурдоналарини ёш авлодга ўргатиш ва халқроқ миқёсда янада кенгроқ тарғиб қилиш учун Бернора Қориева каби юксак салоҳиятли устозларнинг тажрибасига таянган ҳолда, маданий дипломатиянинг оптимал йўллари, замонавий ва инновацион усулларини жорий қилиш давр талабига айланди. Бу соҳани эгаллашда қалб соғлиғи, унинг эзгуликка мойиллиги, кўнгли очкилиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳазрат Навоий айтганларидек, “кўнгли поку ҳам кўзи пок, тили поку, сўзи поку, ўзи пок”ликка интилиш коммуналликка эришишнинг биринчи шартидир. Рақс санъатини севиш ва англаш орқали жамиятнинг соғлом маънавий қиёфаси яратилади, ёшларнинг қалби покланади, уларга инсонни қандрлаш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш туйғулари шаклланилади. Зеро, Шарқда доимо моддий оламдан руҳ оламига кўтарилиш, қалбни тозалаш инсоннинг коммунал сари ташлаган қадами сифатида баҳоланган.

Санъат — инсонларни бирлаштирувчилик, уюштирувчилик ва аниқ мақсадга йўналтиришдаги функциялари орқали ватан тараққиётига ижобий таъсир ўтказиб боради. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаяётган Ўзбекистон замини азалдан башарият цивилизациясига беқиеъ хисса қўшган, жаҳон илм-фани ва маданияти йўналишини белгилаб берган улғ алоломлари, буюк мутафаккирлари билан шуҳрат қозонган.

Тараққиёт миллатнинг уйғонишидан, Ватан ва халқ истиқбол учун жон қўйдиранган, фидокорона меҳнат қилаётган улғаш халқларнинг улуғлигини шондорлашди. Қуни кеча баҳор фаслининг энг гўзал, энг шуқуҳли айёми — 8 март байрами арафасида муҳтарам Президентимизнинг Фармониға биноан “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган буюк санъаткоримиз Бернора Қориеванинг умр ва ижод йўли — ўсиб келаятган ёш авлод учун фидойиллик, муҳаббат ва меҳр мактабидир.

Шухрат ТОХТАСИМОВ,
Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори, профессор,
Хулқ ХАМРОЕВА,
Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, филология фанлари доктори.



Муаллиф ҳақида:
Назира МАТЯҚУБОВА 1968 йили Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган.

1991 йилда ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тугатган. 2003–2004 йилларда Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши (ҳозирги Давлат сиёсати ва бошқаруви) академиясиде тахсил олган.

Ижодкорнинг “Кўзлари шаҳлоғинам”, “Ардоқли оқсоқол” (публицистика), “Қалбим тўла саломдир”, “Ким ушундир керекпен” (қорақалпоқ тилида), “Тоглар ишқи”, “Онажонгинам”, “Енимдаги яхшилар”, “Жанымдаги жаксылар” (қорақалпоқ тилида) китоблари нашр қилинган.

Назира Матяқубова 2020 йилда “Қорақалпоғистон Республикасиде хизмат кўрсатган журналист”, 2022 йилда “Ўзбекистон Республикасиде хизмат кўрсатган журналист” унвонлари ва “Мўътабар аёл” кўрак нишони билан тақдирланган.

НАСР


Кўзимни очиб, эсимни танибманки, қанча йилларнинг иссиқ-совуғини, қанча қуз-у баҳорлар шамолини кўрган, осмонсимон боши узра қанча қорлар сочилган, қарич етмас шохлари, қучоқ етмас танасини қанча ёмғирлар ювган шу пурвиқор гужум уйимиз ортида яна бир кўркям уй каби турарди. Кўркям уй каби дейишимнинг боиси бор. У нафақат кўкка, балки энига ҳам тарвақайлаб кетган, қуюқ ва қалин шох-баргларидадн ўтиб, остидеги супа устига ҳатто қувёнинг зарра нури-ю ёмғир томчиси тушиши дарғумон эди. Табиат яратган ўтов десаям бўларди. Агар баланддан қаралса, яшил гумбазга, унданде баланддан эса бобомнинг чўғирмасига ўшаб кўрinsa керак, деб тасаввур қилардим ўзимча.

То эрта баҳордан кеч қузгача гужум остидеги салқингина супа бир этак боланинг кичкина ватани, бир оилани ёзнинг жазирамасидан ҳимоя қиладиган кўрган эди. Кундузлари уйин-кулгимиз, шовқин-суронимиздан гужумнинг барглариғача яйрар, тунги осудалигимиздан бутун вужуди ором оларди гўё. Онам бизни ўша гужумга ишонарди. Гужум тағида чўғурлашиб ўйнаб ўтирсак, бизга ора-чора қараб қўйиб, кўнгли хотиржам, ишларини қилиб юриверарди.

Оиламизнинг яқинлари, дўст-ёрлари шу гужум соясиде бир пиёла чой ичгани келишар, оддийгина супа устида камтарона, лекин файзли дастурхонлар ёзилиб, дилдан сўхбатлар қуриларди. Айниқса, кекасийб қолган бобом гужумнинг шохлари чайқалиб, барглари улашаётган энгил шабададан ором олар, “Неъматингдан айланай, Оллоҳим”, дея шукрона келтирарди.

Бобомнинг бир тенгқур амавағачаси бўлар, унинг уйда ҳам худди шундай барваста, сервоя гужум, остиде шинам супа бўлса, ёз кунларида деярли кун бўйи ичкари хонадан чиқмас, дезазаларини ташқарисидан бўз, ичкаридан парда билан ёпиб, эшикларини зичлаб, қоп-қоронғилиқда дам оларди. Бобом баъзида атайлаб унинг ёнига йўл олар, “Бир куни кирасан шу қоронғи дунёга, чик ташқарига!” деб ёш боланинг қулоғидан чўзгандай олиб чиқиб, гужум остидеги супасига ўтиргизиб қайтарди. У пайт деярли ҳар бир хонадонда, далаларда, сув бўйларида, ҳаттоки йўл бўйларида бир неча йиллик, асрлик гужумлар барқ уриб турар, уларнинг сояси-ю салқин хавосидан барча бахраманд бўларди.

Бобомнинг болалик хотиралари ҳам шу гужум билан боғлиқ эди. Илдизига сув қўйиб, қўй-қўзилардан ҳимоя қилиб юрган кезларини эслаб, “Ушанда бўйларимиз ҳам тенг эди”, деб кўярди. Бобом етмишларга бориб оламдан ўтди. Орадан саккиз-ун йилларча ўтиб, гужумларга касаллик тегди.



ГУЖУМ
(ВОКЕИЙ ҲИКОЯ)

Кўлга келган тўй бизникини ҳам четлаб ўтмади. Барглари, шохлари илма-тешик бўла бошлади.

Кимнингдир гужуми бутунлай қуриб қолди, деса, ҳаммадан кўп онам хавотирга тушар, ўзимизникини асраб қолиш учун нималарнидир қилган бўлар, ҳатто унинг адо бўлиб бораётган буй-бастига термилиб йиғлаб ҳам оларди. Мен талаба эдим, ёзи таътилда уйга келганим ўшанда. Бир куни онамнинг қўшни аёлга гапирётганини эшитиб қолдим.

— Бобомдан қолган, отамни, онамни кўрган, соясиде болаларим улғайган гужум бу. Нима қилишни билмагман.

— Айтишларича, гужумларга аллақандай қурт тушганмиш. Фойдаси йўқ дейишяпти. Кеча фалончи агроном гужумини кесиб ташлабди-ю, бошқалар нима қила оларди? — дея далда берарди қўшни аёл.

Чиндан ҳам гужумнинг шохларини майда қуртлар тўкила бошлади. Онам энди кичкина укаларимни “гужумнинг тағига борманглар, устларингизга қурт тушади” деб қайта-қайта оғоҳлантирар, аммо ўзи унинг атрофини тарқ эта олмасди.

Назира МАТЯҚУБОВА

Гужумларнинг дарди одамлар дардига айланган шундай бир пайтда қишлоқда уларни кесиб, ёғочларини сотиб оладиган ёки яроқсизлигини пеш қилиб шунчаки олиб кетадиган уйдабурон одамлар пайдо бўлди.

Аслида, гужумнинг танаси жуда қаттиқ бўлади. Қадимда отабобларимиз ундан аравалар, гилдираклар ясаган. Хивадаги арк ва мадрасаларнинг нақшинкор дарвозалари, эшиклари ҳам гужум дарактидан ишланган. Шунинг учун йиллар давомида ўз қиёфасини йўқотмаган. Бу гапларни қишлоқдагилар ана шу уйдабуронлар айланшиб қолганидан кейин бир-бирига айтишарди.

Бир куни улардан уч-тўрттаси бизникига ҳам келди. Онам тоғамларникига кетган, уйда отам билан қолган эдик. Отам узоқ тортишди. Охири кўндирди, шекилли, ишга киришиб кетишди. Лекин уларнинг олиб келган арралари дархат танасиде синар, шохларини қайришга отган арқонлари узилар, болтасиде учиб кетиб, ўзларининг бошидан айланарди. Хуллас, бирининг бели, бирининг қўли шикастланди, яна бирининг пешанасиде ёриқ пайдо бўлди. Укаларим билан сал нарироқда узун-қисқа бўлиб, тизилиш қузатар эканмиз, бундан болаларча хурсанд бўлардик. “Баттар бўлинлар”, “Тўнқанинг тағиде қилиб кетинлар” дея биримиз қарғасак, биримиз койинардик. Гужумимиз кетмаслик учун қурашяпти, деб ўйлардик. Ярим кунлик “жангу жадал”дан кейин улар барибир шундай улкан даррахтини тағ-туғи билан кесиб, қулатиб, аравага ортиб олиб кетишди.

Онам эса бу воқеанинг эртасига қайтди. Унинг олисдан гужумнинг йўқлигини кўриб йиғлаганича чопиб келаятгани, кела солиб: “Нега бундай қилдингиз? Бир чорасини топардик-ку!” деб отам билан уриша кетгани, отамнинг юпатишиға қарамасдан, бир неча кун аразлаб, ўзига келолмай юргани ҳеч эсимдан чиқмайди. Онамага қўшилиб, соясиз супа устиде ўтириб, биз ҳам йиғлаганмиз.

Ёзи таътилни тугатиб, Тошкентга кетадиган чоғим келди. Машинанинг орқа уриндиғиде ўтириб бораётиб, орқамга қарар эканман, уйимиз ёриб бўлиб қолгандай кўринган эди.

Кейинчалик онам айнан ўша жойга бир неча бор гужум қўчатини ўтқазди. Аммо улар уний-ўсмади.

Ҳозир ҳам ота уйимга борсам, ана шу битта нуқтага узоқ тикиламан.

...Сервиқор гужум, унинг баланд шохларида қушларнинг, остиде супа устиде болаларнинг чўғурлашаётган, уйин-кулгилари, сал нарироқда юмуш билан балд, лекин ора-орада дилбандларига қараб қўяётган онам кўз унғимда гавдаланади...

“Яхшиямки, хотираларни ҳеч ким даррахтлар каби кўпори ташлай олмайди”, дейман ўзимга ўзим.

САЛОМАТЛИК

СЎЗ ҲАМ ШИФО

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг асаб касалликлари бўлими раҳбари, тажрибали шифокор Чарос МАМАТХОНОВА ва ушбу Марказнинг фидойи ходимлари ҳақида сўз

Ногиронлар касалхонаси халқ тилида пойтахтдаги "Қазичилар" маҳалласи дейилдиган гўшада жойлашган. Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази.



Ичкарига киришингиз биланок ногиронлик арава-сидда кетаётган ёки ҳасса суяниб боғирётган беморларга кўзингиз тушади. Врану ҳамширалар у ёқдан-бу ёққа шо-шадилар. Улар амалга ошираётган ишларидан мамнун-дирлар. Чунки ҳазрат Алишер Навоий айтганидай: *Кимки бир кўнгли бузғунине хотирин шод айлағай, Онда борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.*

Яъни кимки қийналиб турган бир одамни қувонтира, Каъбани обод қилганнинг даражасига етади. Ҳа, шифо-корлар меҳнати айнан шундай таъсирга муносиб. — Бу касалхонага ўн беш йилдан бери келаман, — деди пойтахтнинг Кўкча даҳасида яшовчи Абдуғаффор Қодиров. — Худди врану ҳамширадан тортиб, массажи, ошпаз, фаррошларгача "Беморларга ширин муомалада бўлин" дея буйруқ бериб қўйилгандек. Ҳамма хушму-ола. Қаранг, асаб хасталиклари бўлимида қаттиқроқ то-вушдаги сўз эшитилмайди. Бўлимга тажрибали врач Чарос Маматхонова раҳбарлик қилмоқда. Чаросни анчадан бери таниймман. Ўз касбига меҳр асосида қарайди. Муд-од илмини ошириб боради. Тинмай изланади. У Япония, Жанубий Корея, Хитой, Хиндистон, Австрия каби мамла-катлардаги анжуманларда қатнашиб, доволашнинг янги-дан-яни усуллари ўрганиб келди. Физיותרпия хона-ларига кириб кўринг: турли замонавий тиббий жиҳозлар ишлаб турибди. Ҳайратингиз чандон ошади. Бўлимдаги ҳамшираларнинг ҳам барчасини танийман. Ўз касби-ни устасидирлар. Мана, ошпаз Вазира. Агарда бемор-ларнинг бирор нафари ошхонага кирмаса, хонасига бо-риб сабабини суриштиради. "Хонангизга овқат олиб ке-лайми?" дейди. Ҳамширалар ҳам ниҳоятда ширинсухан.

Стендардаги суратларни томоша қиламиз. Чарос Маматхонованинг турли анжуманлардаги иштироки тў-ғрисида хикоя қилади бу суратлар. Айниқса, япон мута-хассиси билан сурати гўзал чиққан. Ўзи японлар жуда эътиборли, назокатли халқ. Стенд пастида нималардир тўшаб қўйилган. Сўрасак, оёқ нуқталарини массаж қи-ладиган шолчалар экан. Кўрдикки, коридорнинг ҳар қарчи соғлиқ учун хизмат қиларкан. Яна бир бемор Сурхондарё вилоятининг Бойсун ту-манидан келган Қаҳрамон Менглиев. У туман ҳокими ёр-дамчиси бўлган экан. — Бирдан инсулътга чалиндим. Кафедра дўстлар билан тамадди қилаётгандик. Чап қўлим йўқолиб қолгандек бўлди. Паипаслай бошладим. "Нима ахтаряпсан?" деди бир дўстим. "Қўлимни...". "Ўрнида турибди-ку?!" Шундан сўнг югур-югур бошланди. Одамни ваҳима босади-да... Хуллас, чап тарафдан фалаж бўлдим. Яхшиямки, шу касалхона бор экан. Олтинчи мартаба келишим. Лоф эмас: бундай шифо масканини топиш қийин. Ҳамшира-ларни айтмайми? Укол ўрганда сезмайсиз ҳатто. Оғ-ритмайди демокиман-да...Мана, ҳамшира Турсунгул Баҳромова. Ўз ишининг устаси. Барчаси ширинсухан. Эттинчи палатага врач кириб келди — Насиба Юсу-пова. Ҳар бир бемордан ҳол-аҳвол сўради. Дори-дар-монларни тавсия қилди. Унга мурожаат қилдик. "Кейинги

батта. Футболнинг соғлиққа таъсири беқиёс. Ўйлаб қарасак, сўз ҳам соғлиққа шифо экан. Мазкур даргоҳнинг асаб касалликлари бўлимида ёқимли муҳит ҳукм суриб турибди. Бу ерга барча вилоятлардан, ҳатто кўшни мамлакатлардан нажот излаб келишади. Ғамгин юзларда шодлик аломатлари порлашига врачлар, ҳам-ширалар, массажчилар астойдил ишонадилар. Чунки улар касб-корларини севадилар.

Асаб хасталиклари бўлими мудури Чарос Маматхо-нованинг хорижий давлатлар, хусусан, Япониядаги ҳам-касблари билан алоқа боғлагани ибратли иш бўлибди.

Профессор Баҳодир Карим "Японияда етти кун" номли китобда японларнинг руҳан хотиржамлиги тў-ғрисида тўхтаган: "Дарвоқе, бу даргоҳ ўзбек адабиёти, хусусан, жадидлар ижоди билан жиддий шуғулланиб келаётган профессор Ҳисао Коматсунинг иш жойи. Ко-матсу барча туркий тилларни, жумладан, ўзбек тилини ҳам билади. Ўзбекистонда бўлиб ўтган анжуманларда, жадидчилик конференцияларида маърузалари билан қатнашиб келади. Фитрат ижоди бўйича яхши мутахас-сис. "Уч жадид ва ўзгарган дунё" номли мақоласида Ис-моил Гаспиринский, Абдурашид Иброҳим, Абдурауф Фитрат ижодини тадиқ қилди. Ўзбек тўйларини таққос-лаган мақола ҳам бор — "Jadid"да босилди. Қизиги, муаллиф ўша мақоласини Эркин Воҳидовнинг ҳазил-нама "Нега япон юз йил яшар?" шеъри билан тугатибди. Мана ўша шеър:

Нега япон юз йил яшару Ўзбек бунча ёшга бормаиди? Чунки япон биздек қоронги Сахар туриб тўйга бормаиди.

Таъзияда эл кўзи учун Минг кишилик зивфат қурмас. Ҳайити йўқ, бел боғлаб уч кун Шамдай қотиб кўчада турмас.

Гарчи биздан юз бор фаровон, Гарчи биздан юз қарра тўқдир. Тўй харжида юзта бой япон Бир камбағал ўзбекча йўқдир.

Бу сўзимни японга айтсам, Деда баттар қисиб кўзини: — Япон бундоқ яшолмас ҳеч ҳам, Харакари қилар ўзини.

Бундан олимнинг жадидлар замонида кўтарилган муаммолар билан бирга замонавий ўзбек адабиётидан ҳам бохабарлиги кўринади (Баҳодир Карим. "Японияда етти кун". Тошкент, 2026 йил. 4-5-бетлар).

Ногиронлар шифохонаси врачларидан бири: "Япон-лардан ўрганиш керак яшашни. Уларда руҳий хотир-жамлик бор. Ейиш-ичишдан тежамкор. Энг муҳим жи-ҳати шундаки, улар ширин сўз айтишга ва ширин сўзини эшитишга одатланганлар. Шунинг учун ҳам японларда инсулът кам учрайди", деди. Ҳақ гап. Чунончи, Чарос Ма-матхонова раҳбарлигидаги бўлим серқуёш Ўзбекистони-мизда инсулът хасталигини бартариф этиш йўлида тин-май изланмоқдалар.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.

ХАВОТИР



ИНСОНИЯТ

ҚАЧОНДАН БЕРИ ҚАРЗГА ЯШАЯПТИ?

Агар ер банк бўлганида, биз аллақачон банкрот бўлардик. Чунки инсоният табиат берган бир йиллик "лимит"ни муддатидан анча олдин тугатади. Шундан кейин эса биз яшамаймиз — қарзга кун кўрамир. Ўрмонлар, сув, тоза ҳаво... буларнинг барчаси келажакдан олинган қарздор. Бу чегара босиб ўтилган кун — Экологик қарздорлик куни ("Earth overshoot day") дейилади.

Тасаввур қилинг, сиз бир йиллик маошингизни август ойи-даёқ тугатиб қўйдингиз. Олдинда эса ҳали тўрт ой бор. Энди нима қиласиз? Қарздор бўлиб яшайсиз. Инсоният ҳам худди шундай яшамоқда. Ҳар йили шундай бир сана келадики, ер бир йил ичида қайта тиклай оладиган барча ресурсларини тугатиб бўламиз. Шу кундан бошлаб табиатдан "қарзга" яшаймиз. Бу сана Экологик қарздорлик куни ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, 29 июль инсоният сайёрамизнинг 1 йилга мўлжал-ланган барча ресурсларидан фойдаланиб бўладиган сана ҳи-собланар экан. Шу сабабли, биз барча эҳтижоларимизни қон-дириш учун 1,6 сайёра ресурслари керак бўлади. 1970 йил-даёқ аҳоли сайёрамиз бера оладиган ҳамма ресурсларни тўлиқ сарфлашни бошлаган.

Ҳозирги кунимизни таъминлаш учун биз эртанги кун неъмат-ларимизни тортиб олмаямизми? Ҳа, айнан шундай қиламиз. Ҳар йили инсониятнинг ашаш тарзи табиий чегараларни четлаб ўтади ва бу жиддий танқидга лойиқдир. Бизнинг қулайликларим-из, ортиқча истеъмолимиз ва ишлаб чиқаришимиз табиатни вайрон қилишда давом этяпти деб бемалол айта оламиз. Ўр-монлар кесилляпти, сув ресурслари камайяпти, денгизлар ва ҳавзалар ифлосланяпти, ҳаво эса заҳарли моддалар билан тў-либ кетганини инкор эта олмаймиз ҳам. Шу билан бирга, биз-нинг иқтисодий ва сиёсий тизимларимиз ҳам бу ҳолатни давом эттиришга мослашган — фойда ва ривожланиш биринчи ўрин-да-ю, экология эса иккинчи планда қолиб кетяпти. Лекин бошқа тизимларни кундан-кунга ривожлантириб, улар учун имконият-лар яратиб, экологияга эътибор бермасликка қанчалик ҳақи-қимиз бор? Экологияни яхшилаш учун ташкилотлар томонидан мажлислар ўтказилади, аммо бу мажлисда муҳокама қилинаёт-ган масалалар фақатгина қоғозларда қолмаётганими? Ахир сони бор-у, салмоғи йўқ масалалар борган сари қўлайиб кетяпти.

Бироқ биз Экологик қарздорлик кунини йилга 10 кун олдинга суришга эришсак, 2030 йилга келиб, экологиямиз анча яхшила-нишига ёрдам берган бўларканмиз.

Мутахассислар фикрича, бу санани қўйидагиларга амал қи-либ олдинга суришимиз мумкин:

- 1) чиқиндиларни ташлаш ярим баравар камайтирилса, сана 13 кунга сурилади;
2) қувват самарадорлигини оширувчи ечимлар — 21 кун;
3) углерод изини 2 баравар камайтириш — 93 кун;
4) озиқ-овқат чиқиндиларини камайитириш — 17 кун;
5) гўшт истеъмолини 2 бараварга камайитириш — 17 кун.
Ҳа, она сайёрамизни, яъни табиатни ортиқча чиқиндилар-дан, кўнгилни хира қиладиган вазиятлардан халос қилмоқчи бўлсак, белимизни маҳкам боғлаб, бу эзгу ишни бугундан бош-лашимиз керак. Акс ҳолда, келажак авлод фақат бизнинг қарзи-мизни тўлашга эмас, балки биз яратган экологик инқироз билан ҳам курашишга мажбур бўлади.

Дурдона САЙФИТДИНОВА, Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

РУҲИЯТ ИҚЛИМЛАРИДА

Инсон психологияси ва физиологияси ўртасидаги мураккаб боғлиқлик замонавий тиббиётнинг энг қизиқарли тадқиқот соҳаларидан биридир. Шулардан бири "Плацебо эффекти", яъни организмнинг дори ёки даволашнинг реал физик таъсиридан ҳам ўзини яхши ҳис қила бошлаши ҳодисасидир. Ушбу атама шунчаки "ўзига ишонтириш" эмас, балки миянинг кимёвий реакциялари, кутувлар, эътиқод, тажриба ва ҳиссиётларнинг бирлашган таъсири натижасида юзага келадиган физиологик ўзгаришидир.



Тарихда бу ҳодиса бир неча мартаба кузатилган ва илмий тажриба-лар орқали исботланган. Мисол учун, Иккинчи жаҳон уруши даврида содир бўлган воқеа ва АҚШнинг Байлор тиб-биёт коллежи ўтказган машҳур тад-қиқот плацебо эффектнинг нақадар кучли эканини кўрсатади. Бу воқеалар нафақат тиббиётга, балки кундалик ҳаётга ҳам чуқур таъсир қилувчи ҳу-лосаларга олиб келади: одам нимага ишонса, танаси ҳам ўша йўсинда жа-воб қайтаради.

Миянинг "мен ҳозир морфий қабул қилдим" деган тахмини оғриқни камай-тирувчи табиий моддалар — эндорфин-лар ишлаб чиқарилишига олиб келган. Натижада танада ҳақиқий оғриқни ен-гиллаштирувчи восита ишга тушади.

Плацебо эффектини фақат "ўзини овутиш" деб қабул қилиш нотўғри. Аслида, у юқори даражада биологик

тузилишларга эга. Мисол учун, допа-мин мотивация ва энергия ҳиссини орттиради. Эндорфин табиий оғриқ қолдиради. Серотонин кайфият ва тинчликни яхшилайди. Миянинг ку-тиш тизими жуда фаол бўлади. Агар инсон натижа бўлишига ишонса, мия "шу натижани яратиш" учун ёрдамчи

воситаларни ишга солади. Яъни мия унга таъсир қилаётган омилга реал бўлмаган бўлса ҳам, уни "бор" деб қабул қилиб, физиологик жавоб яра-тади.

Плацебо эффекти тиббиёт билан чекланиб қолмайди. У одамнинг кун-далик қарорларида, одатларида, иш

фаолиятида, ҳатто истеъмолат маҳсу-лотларига бўлган муносабатиди ҳам намоён бўлади. Мисол учун, янги спорт пойабзали одамни "энди тезроқ югураман" деб ишонтира, натижада чиндан тезроқ югура бошлайди. "С" витаминини тинчлантирувчи дори деб ўйлаб орқали юрак уриш секинлашиб, асабийлик камаяди. "Бу янги телефон билан самаралироқ ишлайман" деган ишонч ҳақиқатан иш самарадорлигини ошириши мумкин. Ушбу ҳодисалар шуни англатадики, инсоннинг натижа ҳақидаги тасаввур кўп ҳолларда на-тижанинг ўзидан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади.

Плацебо эффекти — инсон онги-нинг танага бўлган кучли таъсири-нинг ёрқин исботидир. У бизга шун-дай муҳим ҳақиқатни кўрсатади: орга-низмнинг тикланиши кўп жиҳатдан мия қандай кутиш ва ишончларга эга эка-нига боғлиқ. Тиббиётда плацебо эф-фекти кўпинча назорат гуруҳи сифа-тида қўлланади, аммо унинг ўзи ҳам мустақил ҳодиса сифатида қийматга эга. Кундалик ҳаётда эса бу таъсир ўзига ишончини ошириш, мақсадларга эришиш, мотивацияни мустаҳкамлаш, ҳиссий барқарорликни қўллаб-қув-ватлаш каби жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатади. Демак, инсон фа-қат ташқи воситаларга эмас, балки ўз ишончига ҳам таяниши керак. Бъ-зан танани тузатишдан олдин, мияни ишонтиришнинг ўзи ҳам кифоя бў-лиши мумкин.

Дилдора ДҮСМАТОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

